БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 153 (18.031). • 3 июль 1981 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЗАРБДОР ЮЗ КУНЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА МУҲИМ ПАЛЛА

МАЖБУРИЯТ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИЛАДИ

БЎКА (Тошкент области), 2 июль. (ЎзТАГ). Бу ерда бўлиб ўтган область кенгашида КПСС XXVI съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари асосида Тошкент области қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш вазифалари, бу йил учун олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш йўллари муҳокама қилинди. Тошкент область ижроия комитетининг раиси Т. А. Алимов доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Бўка район партия комитетининг биринчи секретари Т. И. Исломов, Бекобод районидаги Ленин номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи, КПСС XXVI съезднинг делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Рўзматова, Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари С. Сайдалиев, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Исоқова, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз сабзавотчилик бригадасининг бошлиғи К. Файзибеков, «Оққўрғон» совхози маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи Т. Қосимов қатнашдилар.

Докладчи ва нотиқлар дала ва фермалардаги ишларнинг аҳволини амалий равишда муҳокама қилиб, экилар парваришини кучайтириш, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун нималар қилиниши зарурлиги тўғрисида гаплашиб олдилар.

Пахтачилик масалаларига асосий эътибор берилди. Область деҳқонлари ўтган йилги рекорд ҳосилдан ўзиб кетишга аҳд қилганликлари таъкидланди. Ҳозир бутун куч-ғайрат об-ҳавонинг ноқулай келиши сабабли ғўзанинг ривожи орқада қолишини тугатишга, ҳар бир туп ғўзани сақлаб қолишга қаратилиши лозим. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида мўл ва эрта ҳосил етиштиришни таъминлайдиган илғор технологияни ҳамма жойда жорий этиш керак. Ерларнинг ҳосилдорлигини оширишнинг илмий асосланган системаси юксак деҳқончилик маданияти, ресурслардан самарали фойдаланиш, ҳамма ишларни агротехника жиҳатдан мақбул муддатларда ва юқори сифатли қилиб ўтказиш бу технологияга асос қилиб олинган.

Ҳозир суғоришни ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказиш, кеча-кундуз суғоришни ташкил этиш жуда муҳим аҳамият касб этаётганлиги кенгашда уқтирилиб ўтилди. Тўла йиллик нормада кечи билан 25 августгача суғориш муҳимдир. Ғўза қатор ораларини юмшатиш сўрғичларини ошириш, тупроқни камида 16—18 сантиметр чуқурликда юмшатишга алоҳида эътибор бериш зарур. Ғўзага минерал ва органик ўғитлар солишни пухта ташкил этиш, бегона ўтларни, қишлоқ хўжалик зараркунандаларини асосан биология усуллари ёрдамида ўз вақтида қириб ташлаш — энг муҳим вазифаларнинг биридир.

Пахта теримини уюшқоқлик билан ўтказиш учун ҳамма чораларни ҳозирнинг ўзидаёқ кўриб қўйиш керак. Пахта териш машиналарининг биронтаси, тўкилган пахтани териб оладиган механизмларни, кўсак чувиш машиналарининг, тракторлар, тележкаларнинг биронтаси пахта терими бошлангунча тузатилмай қолмаслиги керак. — деб таъкидланда кенгашда. Ипатоволиклар усулидаги отрядларни барвақт тузиб қўйиш, терим ишлари графикларини пухта ўйлаш лозим.

Бу йил область ғаллакорлари олдида катта вазифалар турибди. Бошоқли экинларни ўриш ва тайёрлаш сўрғичларини жадаллаштириш, бу ишни жуда қисқа муддатда тугаллаш зарур. Маккажўхори парваришини кучайтириш, гектар бошига 100 центнер дон олаётган илғор бригадалар тажрибасини кенг оммалаштириш керак. Шоликорлар дон етиштиришни кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшишлари лозим.

Сабзавот, мева, узум, картошка, полиз маҳсулотлари етиштиришни тобора кўпайтириш учун тошкентлик деҳқонларнинг каттакатта имкониятлари борлиги кенгашда уқтириб ўтилди. Бу йил область хўжаликларида картошказорлар беш минг гектар кенгайтирилди, кўпгина колхоз ва совхозлар мўл картошка етиштириб олдилар. Бўшаган далаларда қисқа муддатда такрорий экинлар экиб олиш керак.

Нутқларда чорвачилик масалаларига, қишлоқ хўжалигининг бу муҳим тармоғини жадал ривожлантириш резервларига катта эътибор берилди. Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, ем тамлаб олиш диққат марказида туриши лозимлиги уқтирилди. Подаларни яхшилаш ва аввало сигирларни кўпайтириш, ғўштга топшириладиган қорамол вазни 450—500 килограммга етказилишига, сут соғиб олишни ва паррандалар маҳсулдорлигини янада оширишга эришиш лозим.

Кенгаш иштирокчилари областнинг барча деҳқонларини ва чорвадорларини социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун бутун кучни ишга солишга, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшишга чақирдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кенгашда нутқ сўзлади.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхози пахтакорлари далаларда мардона меҳнат қилиб, мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар. Пахтапарварлар қар бир туп ғўзани меҳр билан ардоқлаб парваришлашяпти. Ғўзага ишлов беришда 4-бўлим механизаторлари пешқадамлик қилишаётир. Суратда: илғор механизатор Тоҳир Гулмуродов.

А. Тўраев фотоси.

МУСОБАҚАДОШЛАР МАКТУБИ

ПЕШКУ районидаги «Москва» колхозининг раиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Раҳим Раҳмонов Пахтачи районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, КПСС XXVI съезди делегати, икки марта Ленин ордени кавалери Шомурод Қаҳҳоровга хат юборди.

Р. Раҳмонов ўз хатида қуйидагиларни ёзди: «Мен хўжалигингиз далаларида бир неча бор бўлганман. Сизлардан, Шомурод ака, ўрганишга арзийдиган нарсалар кўп. КПСС XXVI съезди қарорларидан илҳомланган хўжалигингиз деҳқонлари беш йилликнинг биринчи йили учун юксак марраларни белгиладилар. Биз бу йил давлатга 6 минг тонна «оқ олтин» сотишга қарор қилдик. Бу ўтган йилгидан 500 тонна кўпдир. Ҳар гектар ердан камида 60 центнер хирмон кўтарамиз».

Хатда яна бундай дейилади: бу йилги баҳор деҳқонларга кўпгина қийинчиликлар келтирди. Жала ва дўл ёққанлиги, қаттиқ шамол бўлганлиги сабабли пешкуликлар чигитни уч марта қайта экдилар. Бутун ресурслар, барча машина-механизмлар табиий офат оқибатларини тугатишга сафарбар қилинди. Ҳозир колхоз далалари бир текис ўсаётган баравж ғўзалари билан кишини қувонтиради. Ғўзаларга «шарбат» суви берилмоқда. Қатор ораларига ўз вақтида ва сифатли ишлов берилмоқда. Тажрибали пахтакорлар Йўлдош Эргашев, Шамси Бозоров, Убай Маҳмудов бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 65—70 центнер пахта йиғиштириб олиш учун қурашмоқдалар. Хўжаликда уларнинг изидан бошқалар ҳам кўп».

Раҳим Раҳмонов тажрибали деҳқон Ш. Қаҳҳоров раҳбарлик қилаётган колхозни ўз хўжалиги меҳнатчилари номидан социалистик мусобақага чақирди.

Шомурод Қаҳҳоров Пахтачи районидаги К. Маркс номли колхоз меҳнаткашлари пешкулик пахтакорларнинг чақиригини бажонидил қабул қилганликларини хабар қилди.

(ЎзТАГ мухбири).

ИЛҒОР ҒАЛЛАКОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бошоқли дон экинларини йиғиштириб олиш, давлатга галла сотиш, уруғлик фондларини жамғариш ва дон ташиб олиш юзасидан областлар, районлар, колхозлар, совхозлар ва автоколоннаҳар ўртасида ўтказилаётган социалистик мусобақанинг 1981 йил 1 июлгача якунларини кўриб чиқдилар ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **«Қашқадарё области** (область партия комитетининг секретари ўртоқ Ғойпов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Элбоев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Асроров, область дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Саидов, Облгоскомсельхозтехника раиси ўртоқ Меллаев)да қолдирдилар. Бу область бошоқли дон экинларини йиғиштириб олиш планини 85,6 процент, шу жумладан ўн кунликда 36,5 процент, давлатга галла сотиш топширигини 76,8 процент, шу жумладан ўн кунликда 35,3 процент, уруғлик жамғариш планини 54,4 процент, шу жумладан ўн кунликда 50,9 процент бажарди.

Кўчма Қизил байроқлар қуйидагиларга берилади:

— **Тошкент области** (область партия комитетининг секретари ўртоқ Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳмонов, область дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Бекбоев, Облгоскомсельхозтехника раиси ўртоқ Хегай). Бу область бошоқли дон экинларини йиғиштириб олиш планини 78,4 процент, шу жумладан ўн кунликда 37,9 процент, давлатга галла сотиш топширигини 48,4 процент, шу жумладан ўн кунликда 46,9 процент, уруғлик жамғариш планини 79,2 процент, шу жумладан ўн кунликда 64,6 процент бажарди. Байроқ Фарғона областидан олиб берилади;

— Андижон областининг **Ленин районн** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Исмонов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Усмонов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Мамасиддиков, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва уларнинг сифатини назорат қилувчи бош давлат инспектори ўртоқ Аҳмедов, Райгоскомсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Мамажонов). Бу район бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини ниҳоясига етказиб, давлатга дон сотиш ва уруғлик жамғариш юзасидан топширикни бажарди. Байроқ Сурхондарё областининг Гагарин районидан олиб берилади;

— Тошкент область **Оҳангарон районидаги «Галлақўдуқ» совхози** (совхоз директори ўртоқ Гриценко, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Куттибоев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Измерин). Бу совхоз бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини тамомлаб, давлатга галла сотиш ва уруғлик жамғариш юзасидан берилган топширикни бажарди. Байроқ Тошкент областининг Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозидан олиб берилади;

— Сурхондарё область **Бойсун районидаги «Ойбек» номли совхоз** (совхоз директори ўртоқ Курбонов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ҳамроев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Муҳаммадиев). Бу совхоз бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини тамомлаб, давлатга галла сотиш ва уруғлик жамғариш юзасидан топширикни бажарди. Байроқ Андижон областининг Бўз районидаги «Ленинчи» совхозидан олиб берилади;

— Бухоро область **Гиждувон районидаги Энгельс номли колхоз** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Жабборов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Жумаева, касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Сафаров). Бу колхоз бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини тамомлаб, давлатга галла сотиш ва уруғлик жамғариш юзасидан берилган топширикни бажарди. Байроқ Сирдарё областининг Ворошилов районидаги Карл Маркс номли колхозидан олиб берилади;

— **Андижон область автотрестининг 2508-автоколоннаси** (автоколонна бошлиғи ўртоқ Тешабоев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ғарифуллин, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Мадрахимов). Бу автоколонна ўн кунликда дон ташиш планини 121,8 процент бажарди. Байроқ Фарғона область автотрестининг 2504-автоколоннасидан олиб берилади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

1 июль куни КПСС Марказий Комитетида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев билан Германия Социал-демократик партиясининг Раиси, Социалистик интернационал раиси В. Брандтнинг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда КПСС томонидан — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси В. В. Загладин, ГСДП томонидан — партия раисининг ўринбосари Г.-Ю Вишневский қатнашдилар.

Л. И. Брежнев билан В. Брандт ўртасида 30 июнь куни бўлиб ўтган учрашувнинг Европада ва бутун дунёда тинчлик иши учун, ГСДП билан КПСС раҳбарлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни ривожлантириш учун бўлган аҳамиятига иккала томон юксак баҳо берди.

Иккала мамлакат сиёсий жиҳатдан масъул арбобларининг ҳамкорлиги уруш хавфига қарши, қуролланиш пойгасига, биринчи навбатда Европада қуролланиш пойгасига қарши, кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш ва давом эттириш учун кураш муваффақиятига хизмат қилади, деган ишонч яқдиллик билан билдирилди.

Иккала томон кескинликни юмшатишга, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга актив кўмаклашиш учун ҳаракат қила беришларини таъкидлашди. Алоқаларни давом эттириш ва ривожлантириш иштиёқи таъкидлаб ўтилди.

Суҳбат сидқидиллик ва ишонч вазиятида ўтди.

Шу куни ГФРнинг СССРдаги элчиси А. Майер-Ландрут В. Брандт шарафига қабул маросими уюштирди.

СССР Фанлар академиясининг Жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институтида В. Брандт жаҳоншумул проблемалар ҳамда ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатларнинг ўзаро муносабати тўғрисида лекция ўқиди. Лекция қизғин мунозарага сабаб бўлди.

* * *

1—2 июль кунлари КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари енгил ва озиқ-овқат саноати бўлими мудирларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездига қилган Ҳисобот докладида баён этган кўрсатмалари асосида енгил ва озиқ-овқат саноатига партиявий раҳбарлик масалаларига бағишланган кенгаш-семинари бўлиб ўтди.

Кенгаш-семинарда КПСС Марказий Комитети Енгил ва озиқ-овқат саноати бўлимининг мудири Ф. И. Мочалин доклад қилди.

Енгил ва озиқ-овқат саноатига партиявий раҳбарлик масалаларини муҳокама қилишда иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари, енгил ва озиқ-овқат саноати бўлимларининг мудирлари, иттифоқ министрликлари ва идораларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. Н. Макеев ва З. Н. Нуриев, СССР Халқ контроли комитетининг раиси А. М. Школьников, СССР ва РСФСР министрлари, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари ва бошқа масъул ходимлари иштирок этдилар.

(ТАСС).

«КОСМОС—1279» УЧИРИЛДИ

1981 йил 1 июль куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1279» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазо тадқиқотларини давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Йўлдошдаги бу аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоб марказ олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

БУХОРО ОБЛАСТИ БОҒДОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

Бухоро областининг боғдорлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезднинг қарорларини амалга ошира бориб, эртанги меваердан мўл ҳосил етиштирмоқдалар, уни уюшқоқлик билан йиғиб-териб олдилар ва давлатга ҳўл мева сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар.

Савдо шоҳобчаларига, умумиттифоқ фондига ва саноат корхоналарига 12,3 минг тонна ёнғи планга нисбатан 102,5 процент ҳўл мева етказиб берилди.

Маҳсулот тайёрлаш йиллик ҳажмини 150 процент ва ундан ҳам ошириб адо этган Ромитан, Пешку, Свердлов, Ғиждувон районларнинг боғдорлари планнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар. Ромитан районидаги Нариманов номли, Пешку районидаги Жданов номли, Свердлов районидаги Свердлов номли, Ғиждувон районидаги Карл Маркс номли, Қоракўл районидаги «Правда» колхозлари, Когон районидаги «Бухоро» совхози давлатга ҳўл мева сотиш юзасидан икки йиллик планларни бажариш арафасида турибдилар.

Область боғдорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йил охиригача боғдорчилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан яна бир йиллик планни бажаришга аҳд қилдилар.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИГА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов бошчилигидаги Совет делегацияси 1 июль куни Москвадан Софияга жўнаб кетди. Делегация Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг XXXV мажлисида иштирок этади.

Аэродромда делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, А. Я. Пельше, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Делегация шу куни Софияга келди.

Аэродромда делегацияни БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг раиси Г. Филипов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

В. БРАНДТ МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Германия Социал-демократик партиясининг Раиси В. Брандт 2 июль куни Москвадан ватанига жўнаб кетди. У КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг таклифига биноан мамлакатимизга визит билан келган эди.

Внуково аэродромида меҳмонни Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Леонид Ильич Брежнев кузатиб қолиш вақтида журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, В. Брандт визитининг якунларини ижобий баҳолади.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Аргентина Компартиясининг делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Делегацияга АКП вилоят комитетининг секретари Х. Шапиро бошчилик қилмоқда. 2 июль куни Аргентина коммунистлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилиндилар.

Делегация аъзолари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини зиёрат қилдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

* * *

Дания Компартияси Марказий Комитети Ижроия Комитетининг аъзоси М. Хансен бошчилигидаги ДКП делегацияси республика меҳмон бўлиб турибди. 2 июль куни делегация Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

Меҳмонлар Тошкент бўйлаб сайр қилдилар, унинг янги қурилишлари, музейлари, кўргазмалари билан танишдилар. (ЎзТАГ).

ЯНГИ МАКТАБ

БЎКА (Тошкент области), 2 июль. (ЎзТАГ). Бу ерда икки қаватли 1176 ўринли янги мактаб бинои фойдаланиш учун топширилди. Мактаб биносини «Ташобласельстрой» трестига қарашли механизациялаштирилган 4-кўчма колонна меҳнаткашлари қуриб бердилар.

Ғафур Ғулом номидаги Сирдарё давлат педагогика институти техникавий таълим кафедрасининг мутахассислари мактаб ўқувчиларига жуда яхши тўҳфа тайёрладилар. Улар бу ерда таълим телестудияси асбоб-ускуналарини монтаж қилдилар. Тилларни ўрганиш учун тўртта лингафон кабинети жиҳозланди. Болалар устахоналарда металл ишлаш ва ёғочсозлик малакаларини эгаллайдилар, қизлар эса уй-рўзғор ишларини ўрганадилар.

Бўка районидаги колхозларда учта янги мактаб бинои қурилмоқда. Ўн биринчи беш йилликда бу районда жами ўнта янги мактаб бинои фойдаланиш учун топширилади.

САММИЙ ҚУТЛОВЛАР

МХРП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ, МХР БУЮК ХАЛҚ ХУРАЛИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ

Ўртоқ Ю. ЦЕДЕНБАЛга

Азиз ўртоқ Цеденбал!

МХР Буюк Халқ Хуралининг Президиумининг Раислигига қайта сайланишингиз муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни самимий табриклайман. Ҳамма шу юксак давлат лавозимидаги самарали фаолиятингизда, монгол халқининг бахт-саодати ва равнақи йўлида янги катта муваффақиятлар тилайман.

Совет Иттифоқи билан Социалистик Монголия ўртасидаги анъанавий қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик мамлакатларимиз халқларининг манфаатлари йўлида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслиги, тинчлик, демократия ва социализм ишининг тантанаси йўлида бундан буён ҳам ривожланаверади, деб қатъий ишонч билдираман.

Л. БРЕЖНЕВ.

МХР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

Ўртоқ Ж. БАТМУНХга

Азиз ўртоқ Батмунх!

МХР Министрлар Советининг Раиси юксак лавозимига қайта сайланишингиз муносабати билан Сизни Совет Иттифоқи ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан самимий табриклайман.

Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикасининг мустаҳкам дўстлиги ва самарали ҳамкорлигини янада ривожлантириш манфаатларини кўзлаб, МХРП XVIII съезди қарорларини турмушга татбиқ этиш борасидаги масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилайман.

Н. ТИХОНОВ.

* * *

Шонли йиллик — Югославиядаги қўзғолон ва социалистик революциянинг 40 йиллиги муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежнев Югославия Социалистик Федератив Республикаси Президиумининг Раиси ўртоқ Сергей Крайгерга, Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети Президиумининг Раиси ўртоқ Лазар Мойсовга табрик телеграммаси юборди. Телеграммада бундай дейилади:

«Совет кишилари қардош Югославия халқларининг қаҳрамонлигини юксак қадрлайдилар, И. Броз Тито бошчилигидаги Коммунистик партиянинг даъватига биноан улар миллий ва социал озодлик учун курашга отланиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага катта ҳисса қўшдилар.

Даҳшатли хавф-хатар даврларида мамлакатларимиз халқларининг жанговар ҳамдўстлиги ва ўзаро ёрдами яққол намоён бўлди. Югославиядаги халқ озодлик кураши миллий аҳамиятгагина эга бўлиб қолмай, шу билан бирга катта интернационал аҳамиятга ҳам эга бўлди, иккинчи жаҳон урушининг асосий оғирлигини ўз зиммасига олган мамлакаткимнинг куч-ғайратлари га у сезиларли мадад берди. Югославия меҳнаткашларининг содиқ ва ишончли дўсти бўлган Совет Иттифоқи уларнинг одилона ишига изчил маънавий, сиёсий дипломатик, моддий ва ҳарбий ёрдам бериб турди. Даҳшатли уруш алангасида тобланган Совет — Югославия дўстлиги умумий душманга қарши жангларда бирғалиқда тўкилган қон билан мустаҳкамланган.

Халқ бўлган қаҳрамонларнинг хотираси, ҳозирги ва келажак авлодлар учун мустаҳкам тинчлик муддаоси уруш хавфини тугатиш йўлида сабот билан тинимсиз ҳаракат қилишни талаб этади. Империалист ва гегемончи кучлар халқларга қуролланиш пойгасининг янги даврасини тиқиштиришга, халқаро вазиятнинг ривожини кескинликни юмшатишдан қаттиқ муҳолифлик сари бўриб юборишга интиладиган бир пайтда бу вазифа айниқса муҳимдир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, совет халқи Совет — Югославия дўстлиги анъаналарини авайлаб асрайдилар ҳамда Югославия халқларига социалистик қурилишда чин кўнгилдан муваффақиятлар тилайдилар». (ТАСС).

«ЎН БЕШЛАР ТАШАББУСИ» АМАЛДА

ИМКОНИЯТ ВА ИНТИЛИШ

***) Мажбуриятингизни қандай бажаряпсиз?**
***) Эришаётган ютуқларингизнинг сири нимада?**
***) Корхонангиздаги иқтидорларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

«Совет Ўзбекистони» газетаси саволларига ташаббускор қурувчилар жавоб беради

Мадёр ҚИЛИЧЕВ,
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли «Тулмуюнгидрострой» бошқармаси экскаваторчилар бригадаси бошлиғи

Аввало шуни айтайки, биз ҳеч қачон сўзимизни ерда қолдирган эмасмиз. Тўғри, мажбуриятимиз юксак, уни бажариш осон эмас. Лекин биз ҳар қандай қийин вазифани ҳам ado этишга қодирмиз. Бригадамиз экскаваторчилари беш йил ичида 5 миллион 290 минг кубометр тупроқ қазишга аҳд қилишган. Шахсий мажбуриятим — 1 миллион 939 минг кубометр! Шунча ҳажмда тупроқ қазишга эришсам — икки беш йиллик топшириғим уддаланади. Ўтган ойларнинг якунлари юксак марраларнинг сўзсиз эгалланишидан далолат беради. Ҳозиргача ўн бир ойлик план бажарилди. Шу ой охиригача йиллик тупроқ қазиш ҳажми ҳам ado этилади.

Маълумки, меҳнат унумдорлигини оширишнинг биринчи шарти — иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланиш, экскаваторни техник жиҳатдан соз, авайлаб сақлаш, уни тўла қувватда ишлатиш керак. Ўз касбини сидқидилдан севган ва такомиллаштириб борган, техника билан «таржимонсиз» сўзлаша оладиган гидромеханизаторнинг иши ҳамиша серунум ва сифатли бўлаверади.

Коллективимизда ўн биринчи беш йиллиқда икки беш йилликни бажариш ташаббусига қўшилган ўнлаб издош қурувчилар ўз аҳдларини амалий иш билан мустаҳкамламоқдалар. Мен билан ёнма-ён ишлаётган ҳамкасбларим С. Ўринов, И. Рўзметов, Р. Ҳасанов, И. Давлатов, К. Абдуллаев ва бошқалар социалистик мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Бригадамиз билан мусобақадош Мидҳат Ўразбаҳтин бошлиқ экскаваторчилар коллективи ҳозироқ октябрь ойи ҳисобига иш бошлади.

Абдуаҳад РИВОЖИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 15-трестнинг Оқдарёдаги 3-механизациялашган кўчма колоннаси комплекс бригадаси бошлиғи

Эзгу мақсад йўлида ташлаган дастлабки қадамларимиз чанки эмас. Беш ярим ойлик планларни ошириб бажардик. 49 минг ўрнига 60 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари ado этилди. Бу марра бизни қаноатлантирмайди, албатта. Шу боисдан биз барча имкониятларни тўла сафарбар этишга, резервлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Йиллик планни август ойига қолмай бажаришга сўз берганмиз.

Коллективимизнинг улкан ишлар қутмоқда. Зиммага олган мажбуриятимизни муваффақиятли бажариш учун бутун диққат-эътиборимизни сифат ва самарадорликка қараглик. Эндиликда бригадамизда бекор туриб қолиш ҳоллари йўқ. Материал таъминотидаги узилишларга чек қўйилган. Иқтисод қилиш режимига қатъий амал қиляпмиз. Кўл меҳнати жараёнлари механизациялашмоқда.

Ҳозир трестимизда 26 та бригада Злобин методи бўйича иш кўрмоқда. Бу борада шогирдим Валентин Ли бошлиқ коллектив қўлга киритаётган зафарлар айниқса қувончлидир. Унинг ўзи ҳам «Ўн беш йил ташаббуси» исидан бориб, бир беш йилликда икки беш йиллик топширигини бажариш учун ўнлаб издош қурувчилар ўз аҳдларини амалий иш билан мустаҳкамламоқдалар. Мен билан ёнма-ён ишлаётган ҳамкасбларим С. Ўринов, И. Рўзметов, Р. Ҳасанов, И. Давлатов, К. Абдуллаев ва бошқалар социалистик мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Бригадамиз билан мусобақадош Мидҳат Ўразбаҳтин бошлиқ экскаваторчилар коллективи ҳозироқ октябрь ойи ҳисобига иш бошлади.

Деҳқонбой АШУРОВ,
«Ферғанаоблколхозстрой» трестига қарашли Тошлоқ колхозлараро механизациялашган кўчма колоннанинг комплекс бригадаси бошлиғи

«Ўн беш йиллик ташаббуси»нинг иштирокчиси сифатида шуни айтиб ўтишни истардимки, қурилиш ташкилотимиз, қолаверса, бригадамиз олдида турган жиддий ва салмоқли вазифаларни муваффақиятли ado этишда ўзимни камарбаста деб биламан. Беш йиллиқда бригадамиз амалга ошириадиган ишлари рақамлар билан ифода этсам, 1981—1985 йиллар мобайнида пландаги 870 минг сўмлик ўрнига 1 миллион 740 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарамиз. Барча объектлар аъло сифатда қурилиб, фойдаланишга гарантия паспортлари билан топширилади. Беш йил ичида 20 минг дона гишт, 5 тонна цемент, 15 кубометр ёғоч-тахта, 1,5 минг сўмлик бошқа хил қурилиш материаллари тежаб қолинади. Шу йилги... олти ойлик топшириғи барвақт ado этилди. Бошқачароқ қилиб айтганда, 54 минг ўрнига 109,4 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Ҳозир бригадамиз Тошлоқ районидаги чорвачилик комплексини қурмоқда. Комплекс битгач, мактаб қурилишига киришамиз. Шу тариқа кўп йиллардан буён хўжаликлардан-хўжаликларга ўтиб ишлаб, обод посёлкалар, клублар, болалар боғчалари, ишлаб чиқариш биноларини бунёд этяпмиз. Бу ютуқларга, албатта, иш вақтини тежаш, сифат ва самарадорликка катта эътибор бериш, илғор иш усулларини кенг жорий этиш, қўл меҳнатини механизациялаш туфайли эришяпмиз.

Объектларни тез, соз ва сифатли тиклашда ўн беш лар бошлаган ташаббус областимизда кенг тарқалаётгани барчани мамнун этмоқда. Чунончи, Риштондаги колхозлараро қурилиш ташкилоти биноқорлар бригадаси бошлиғи А. Бурхонов, Ленинград районидаги колхозлараро механизациялашган кўчма колоннанинг комплекс бригадаси бошлиғи Ё. Раҳимов ўртоқлар ташаббус издошлари бўлиб майдонга чиқдилар. Айни кунларда улар ҳам йилнинг сентябрь — октябрь ойлари ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

* * *

Янги беш йилликнинг ҳар бир куни омманинг меҳнат ғайрати, сиёсий активлиги жўш урганлигидан, белгиланган марраларга шараф билан эришишга, партия қарорларига зарбдор меҳнат билан жавоб беришга бўлган астойдил интилишдан далолат бериб турибди. Ишчилар, қурувчилар, транспорт ходимлари зўр ғайрат, шижоат, интилиш ва зарбдор меҳнат билан ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришга эришмоқдалар. Зеро партиямиз XXVI съездида алоҳида таъкидланганидек, аҳоли турмуш шароитларини ҳар томонлама яхшилашга совет кишиларининг ўзлари зўр ғайрат билан қилган меҳнат туфайлигина эришиш мумкин. Етук социализм ҳар бир гражданнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун қўл кенг имкониятларни таъминлайди. Ҳамма гап мана шу имкониятлардан фойдаланишда қолган.

ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

29 июнь — 1 июль кунлари Москвада илмий-техника ҳамкорлиги Совет — Польша доимий кичик комиссиясининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. 1981—1985 йилларда СССР ва ПХР фан ва техникасини ривожлантириш планларини мувофиқлаштиришга доир масалалар кўриб чиқилди. Совет ва Польша ташкилотларининг биргаликдаги қўлғайратлари, жумладан энергетикани бошқарувчи ҳисоб системаларини ишлаб чиқиш ва уларни яратишга, атом электр станцияларига кетадиган машина-ускуналар тайёрлаш технологиясини, катта юк кўтарадиган ўзи юрар кранларни, катта интеграл схемалар ишлаб чиқарадиган технологик машина-ускуналарни ишлаб чиқиш ва яратишга қаратилиши ҳисобга олинди. СССР билан ПХР ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-техник ҳамкорлик қилиш натижалари ва истиқболлари ҳам кўриб чиқилди.

(ТАСС).

мусобақа Эҳтиёжлиги

СУТ СОҒУВЧИ МУВАФФАҚИЯТИ

Хива районидаги Ленин номли колхознинг сут-товар фермасида кўпгина илғор сут соғувчилар бор. Уларнинг орасида машинада сут соғиш устаси комсомол аъзоси Сора Раҳматуллаева ўзининг самарали меҳнати билан ажралиб туради. У «Молокопровод» классидаги машиналар операторлари ўртасида яқинда ўтказилган конкурсда ғолиблиги қўлга киритди.

Ёш сут соғувчининг бу ютуғи тасодифий эмас. У хизмат қилаётган фермада типовой чорвачилик комплекси барпо этилган. Фермада ҳамма ишлар механизмлар зиммасига юкланган. Чунончи, сигирларни соғиш, ем-хашак тақсимлаш, молларни суғориш, молхоналарни тозалаш махсус механизмлар ёрдамида бажарилади.

Мен ўз группамдаги ҳар бир сигирдан йилига 5500 килограмм, яъни шахсий мажбуриятимдагига қараганда 1000 килограмм кўп сут соғиб олишга аҳд қилдим, дейди Сора Раҳматуллаева.

ТЕЖАМКОРЛАР ҲИССАСИ

Фарғона пойабзал фабрикасининг комсомол ва ёш ишчилари меҳнатда юқори унумдорликка эришиш билан бирга, тежамкорлик учун ҳам курашмоқдалар. Яқинда бу ерда ўтказилган тежамкорлик конкурсида фабрикининг илғор ишчиси Надежда Қодирова биринчи ўринни эгаллади. У топшириқни тез ва аниқ бажарибгина қолмай, шу билан бирга пойабзал учун ишлатиладиган чармни жуда кам сарфлади.

Тежамкорлик учун ўтказилаётган шахсий мусобақада ёш ишчилардан Галина Шеховцева билан Екатерина Кузнецовалар ҳам пешқадамлик қилмоқдалар. Уларнинг бири 9 минг, иккинчиси эса 7 минг квадрат дециметр чармни тежаб қолдилар.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ДАВР ТАЛАБИ

ПУХТА ЗАМИН

МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

«Коммунистлар партияси янги жамият қурилишини илм-фансиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди, деган фикрга асосланади», дейилади партия XXVI съездига Ҳисобот докладида. Дарҳақиқат, фан-техника революцияси даврида келажакни унинг тараққиётисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Бутун совет халқи қатори Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессор-ўқитувчилар ва студентлар коллективи ҳам партия XXVI съездини муносиб кутиб олдилар. Ўтган беш йилликда институт коллективи ўқув жараёни сифатини яхшилаш, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни жонлантириш, фан ва техника ютуқларини, илғор тажрибаларни амалга оширишда катта муваффақиятларга эришди. Ҳозир институтда бир нечта илмий-текшириш лабораториялари, экспериментал пахта заводи, трикотаж, ипак технологияси, тўқувчилик, йигирувчилик, тикувчилик ва бошқа ўқув-ишлаб чиқариш цехлари ишлаб турибди. Булар институтнинг ўзида студентларга назарий билимлар билан бирга амалий, ишлаб чиқариш малакаси ҳам берувчи манбалардир. Институтда замонавий техника воситалари билан жиҳозланган 15 махсус аудитория, учта лингафон кабинети, Наири-3 ва бошқа турли хил электрон-ҳисоблаш машиналарига эга бўлган марказ ишлаб турибди.

Ўқув жараёни тўла янги ўқув программасига ўтказилди. Наманганда умумтехника факультети. Андижонда ўқув консультация пункти, шунингдек, пахтани дастлабки ишлаш факультети, олтита кафедра очилди. Полиграфия, меҳнатни ташкил этиш ихтисослари бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Беш йил мобайнида студентлар сони 14 процентга ошди. Ўзбекистонда, Ўрта Осиё республикаларида, қолаверса, бутун мамлакатимизда тез суръатлар билан ривожланиб бораётган машинасозлик, химия, енгил, тўқимачилик ва пахта тозалаш саноатлари учун 20 ихтисос бўйича 5300 юқори малакали инженерлар тайёрлаб берилди. Шунисе қувонарлики, тайёрлаб чиқарилган мутахассис кадрларимизнинг 136 нафари қардош социалистик ва ривожланаётган мамлакатлар вакилларидир. Ўтган йилларда институт профессор-ўқитувчилар коллективи сон жиҳатидан ўсди, сифати яхшиланди. Беш фан доктори, икки профессор, 55 фан кандидати тайёрланди. Шу кунларда институт даргоҳида ёш авлодга илм сирларини ўргатиш билан банд бўлган 500 педагог ходимнинг 20 таси фан доктори, профессор, 200 дан ортиғи эса фан кандидати ва доцентлардир. Ўқитиш сифатини, мутахассислар тайёрлашни янада яхшилаш учун бизда етарли имконият ва резервлар бор. Ўн биринчи беш йилликда ва умуман саксонинчи йилларда халқ хўжалигининг ривожланиши фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни яна ҳам зарур қилиб қўяди. Демак, мамлакат халқ хўжалигининг интенсив ривожланиши кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришга илмий кашфиётлар ва ихтироларни жорий этишга боғлиқдир.

Партиянинг илм-фанни ривожлантиришга, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратилган бош йўлини ҳаётга татбиқ этишда институтимиз олимлари ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Мавжуд ўн илмий-текшириш лабораториясига бирлашган 250 нафардан зиёд илмий ходимларимиз халқ хўжалигининг муҳим проблемалари бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб бориб, сезиларли ютуқларга эришдилар. Уларнинг кучғайрати билан ҳар йили 1 миллион 730 минг сўмлик, шу жумладан хўжалик шартномаси бўйича 1 миллион 300 минг сўмлик илмий ишлар бажарилмоқда. Биргина ўтган беш йилликда 62 тема бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижаси халқ хўжалигига 14 миллион сўмдан ортиқ иқтисодий фойда берди. Олимларимиз ихтиро ва патентлар учун 82 авторлик гувоҳномаси олишди. Мингдан ортиқ мақола, 7 монография, ўндан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари, саккиз илмий ишлар тўплами чиқди.

Кейинги йиллар ичида институт олимлари билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик янги погонага кўтарилди. Институтимиз коллективи билан Тошкент тўқимачилик комбинати, тўқимачилик машинасозлиги заводи, «Союзхлопкомаш», Пахта тозалаш саноати марказий илмий-текшириш институти ва бошқа кўплаб бирлашма, корхоналар ўртасида ҳамкорлик ҳамда ўзаро ёрдам шартномаларининг имзоланиши анъана тусига кириб қолди. Етакчи олимлардан Э. Олимбоев, М. Ҳожинова, Ғ. Жабборов, Г. Мирошниченко, А. Худковский, Р. Маҳкамов ва бошқаларнинг шартнома асосида олиб бораётган илмий изланишлари ишлаб чиқаришга кўплаб наф келтирмоқда. Ипак технологияси кафедраси ва лабораторияси профессор Э. Рубинов раҳбарлигида олиб борган илмий тадқиқотларининг ипакчилик саноатида жорий этилиши мамлакатимизга ҳар йили 11 миллион сўмдан кўпроқ иқтисодий фойда беради. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва планлаштириш кафедраси тўқимачилик комбинати билан ҳамкорликда жамоатчи илмий-ўқув ишлаб чиқариш бирлашмасининг ташкил этилиши натижасида институтимизнинг ишлаб чиқариш билан алоқалари янада кенгайиб, чуқурлашади. Зеро, бу таълим-тарбия ишини бевосита ишлаб чиқариш шароитида амалга ошириш билан ўқув жараёнини интенсивлаштиришга, институт олимлари учун илмий фаолият майдонини кенгайтиришга, тармоқ ишлаб чиқариш экономикасини ва технологиясини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш каби проблемаларни ҳал этиш имконини беради. Институтимизда студентлар илмий ишига ҳам катта эътибор берилмоқда. Ушбу шиоят ҳат текшириш ва чора кўриш учун **РИШТОН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ**га юборилган эдй. У ердан олинган жавобда шундай дейилади:

— Шиоят ҳатда таъкидлаб ўтилган камчиликлар тўла тасдиқланди. Ушбу ҳат район маданият бўлими ходимларининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди. Хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Район маданият уйи кадрлар сифат составига эътибор кучайтирилди. Маданият уйининг директори А. Туйғунов ўз ишига совуққонлик билан қараганлиги учун вазифасидан озод қилинди.

Ҳозирги кунда район маданият уйининг «Гулноз» ашула ва рақс ансамбли дала меҳнаткашларига ва чорвадорларга маданий ҳизмат кўрсатиб келмоқда. Ансамбль ўзининг иш планини қайта кўриб чиқди.

СПОРТГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛАДИ

«Мактабимизда физкультура ва спортни ривожлантириш учун етарли шарт-шароитлар йўқ. Стадион ҳақида гапирмаса ҳам бўлади». (Ворошилов районидаги М. Горький номли мактаб ўқувчилари мактубидан).

ВОРОШИЛОВ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ мазкур шиоят ҳат юзасидан текшириш ўтказиб, редакциямизга қуйидаги мазмунда жавоб йўллаган:

— Текширишда ҳатда кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам мактабда стадион йўқ.

Текириш якунлари район халқ маорифи бўлими Советида муҳокама қилинди. Янги 1981—1982 ўқув йилидан бошлаб мактабни жисмоний тарбия мутахассиси ҳамда қўшимча спорт жиҳозлари билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Мазкур масала райижроком назоратига олинди.

СОЛДАТ МАКТУБЛАРИ

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ ЗАРБДОРЛАРИ

Самарқанд область Пайариқ районидан ҳарбий хизматга чақирилган Актамжон Муқимов номини қисмисиз жангчилари ҳурмат билан тилга оладилар. Ҳозир у 12 йигитга бошчилиқ қилмоқда. Актамжон бригадасида турли миллат ёшлари ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар. Улар кунлик топшириқларини 100—110 процент ado этмоқдалар.

Ғалаба кунига бағишланган тантанали йиғилишда бригада аъзоларининг барчасига «Коммунистик меҳнат зарбдори» унвони берилди ва нишонлар топширилди. Бу бригада аъзоларини янгиданянги муваффақиятлар сари чорламоқда.

Ш. НИЁЗОВ.

ШАРАФЛИ БУРЧ

Ротамиздаги жангчиларнинг асосий қисми шоферлардан иборат. Уларнинг билимдонликлари, эпчилликлари хизматда иш беряпти. Взвод командири Юсуф Садриддинов, Сулаймон Маматқулов, Фахриддин Қайсаров, Эргаш Халилов ва бошқалар ҳарбий билим ва жанговар техникани эгаллашда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Улар ўз машиналарини аъло даражада сақлаб, ротамиз жангчиларинингтина ва эмас, командирликнинг ҳам ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Жанговар дўстларимизга хизматда янгидан янги муваффақиятлар тилеймиз.

У. АБРАСОВ.

* * *

Шунингдек, олдинги солдатлардан Х. Каримов, С. Даминов, И. Турсунов ва бошқа ўртоқларнинг юборган хат ва хабарларида Ватанимиз посбонларининг жанговар тайёргарликда эришаётган юқори кўрсаткичлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Сурхондарё областидаги Аму-Занг насос станциясида яна 17 та компрессор қурилмаси ишга тушириб юборилди. Станция қувватини оширилганлиги ингичка толали пахта етиштирилаётган майдонларни суғоришни яхшилаш, шунингдек янги ўзлаштирилган ерларда юқори ҳосил олиш имконини беради. Суратларда: 1. Аму-Занг насос станциясининг машина залида. 2. Станциянинг ёш ва сергайрат машинисти Бердиназар Оллабердиев.

Г. Пун ва И. Ҳўжаев фотолари (ЎзТАГ).

БИРГАЛАШИБ УЧИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 1 июль. (ТАСС). «Салют-6» орбитал илмий станцияси қирқ беш ойдан бери Ер атрофи космик фазосида ишлаб турибди.

Илгари хабар берилганидек, 1981 йил 19 июнда «Космос — 1267» Ернинг сунъий йўлдоши станция билан туташтирилганди. Белгиланган программага мувофиқ биргалашиб учаётган иккала космик аппарат ичидаги ускуналарни синаш давом этмоқда.

29 ва 30 июнь кунлари «Космос—1267»нинг мотор ўстановкасидан фойдаланган ҳолда космик комплекснинг ҳаракат траекториясн мослаб қўйилди.

Телеметрик ўлчаш маълумотларига кўра «Салют-6» — «Космос-1267» автомат орбитал комплексининг учиш нормал ўтмоқда. Ерда олинаётган маълумотлар ишлаб чиқилмоқда ва ўрганилмоқда.

ОЛИМЛАР ЎҚУВИ

Тошкент яқинидаги Улуғбек посёлкасида физикларнинг маданият уйида 1 июль куни ёш физиклар республика мактабида машғулотлар бошланди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети мана шу анъана бўлиб қолган мактабни олтинчи марта чақирмоқдалар.

Ёш тадқиқотчилар — Ўзбекистон илмий муассасалари ва олий ўқув юртларининг вакиллари мактабнинг уч кунлик программасига мувофиқ ҳозирги замон физикасининг актуал проблемалари юзасидан лекция ва докладларни тинглайдилар, республика Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг лабораторияларида бўладилар.

(ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ГУЛНОЗ» ЯНА ЭЛ ХИЗМАТИДА

«Район маданият уйи қошидаги «Гулноз» халқ ансамбли кейинги пайтда негадир ўз фаолиятини тўхтатиб қўйди. Бунинг сабабини билолмаяпмиз! (Риштонлик бир гуруҳ газетхонлар ҳатидан).

Ушбу шиоят ҳат текшириш ва чора кўриш учун **РИШТОН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ**га юборилган эдй. У ердан олинган жавобда шундай дейилади:

— Шиоят ҳатда таъкидлаб ўтилган камчиликлар тўла тасдиқланди. Ушбу ҳат район маданият бўлими ходимларининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди. Хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Район маданият уйи кадрлар сифат составига эътибор кучайтирилди. Маданият уйининг директори А. Туйғунов ўз ишига совуққонлик билан қараганлиги учун вазифасидан озод қилинди.

Ҳозирги кунда район маданият уйининг «Гулноз» ашула ва рақс ансамбли дала меҳнаткашларига ва чорвадорларга маданий ҳизмат кўрсатиб келмоқда. Ансамбль ўзининг иш планини қайта кўриб чиқди.

МУҚАДДАС ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

БИЗНИНГ СУҲБАТ

А. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ҚҚАССР маданият министри

Бундан бир неча кун муқаддам қардош Татаристонда Қорақалпоғистон АССР адабиёти ва санъати кунлари бўлиб ўтди. Бу кунлар икки қардош халқ маданиятининг зўр шодиёнасига айланди. Мухбиримиз Қорақалпоғистон АССР маданият министри Атаулла Худойбергановдан ана шу ҳақда гапириб беришни илтимос қилди.

— Кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз адабиёт ва санъатнинг равнақи, миллий маданиятларнинг қардошлик алоқаларини тобора мустаҳкамлаш ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бултур Қорақалпоғистонда Татаристон адабиёти ва санъати кунлари бўлиб ўтди. У икки қардош халқ маданий ҳаётида ёрқин из қолдирди.

Татаристон АССРда бўлиб ўтган автоном республикамиз адабиёти ва санъати кунлари ҳам иқтоятда таассуротларга бой бўлди. Байрам тантаналари Қозон аэропортидаёқ бошланди. Қардошларимиз адабиётимиз ва санъатимизнинг намояндаларини чексиз эҳтиром билан, меҳр-муҳаббат билан қарши олдилар. Адабиёт ва санъат кунларининг очилиши Мусо Жалил номидаги Татаристон давлат опера ва балет театрида бўлди. Шундан сўнг автоном республикамиз маданияти вакиллари асосан беш группага бўлиниб, Татаристон диёрини кездилар. Бу қўшли юртнинг турли жойларида — завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда, олий ўқув юртларида бўлиб, ишчилар, колхозчилар, олимлар ва студентлар билан учрашдилар. Улуғ доҳийимиз Владимир Ильич Ленин ҳаёти билан боғлиқ жойларни зиёрат қилдик.

Адабиёт ва санъат кунлари қатнашчилари «Сармон» нефтчилари, машҳур КамАЗда — автомобилчилар ҳузурида, Нижне-Камск нефтчилари ва химиклари ҳузурида бўлдилар. Бу азим коллективларнинг ҳаётни, меҳнат фаолиятлари билан атрофлича танишдилар. Айниқса, Волга бўйлаб қилинган сафар, «Сабан тўй»да қатнашишимиз ниҳоятда ҳаяжонли бўлди.

Татар халқи билан қорақалпоқ халқи асалдан дўст, ога-ини. Биз ўз вақтида ўлкамизга маърифат келтирган татар халқининг отаним фарзанди С. Мажитовнинг тенгсиз хизматларини ҳеч қачон унутмаймиз. Ахир, мана шу шахснинг хизматлари туфайли инқилобдан кейинги оғир йилларда қорақалпоқ халқи ўз алиффосига, «Ўқиш китоби»га эга бўлди. У биринчи бўлиб Пушкин ва Крилов асарларини қорақалпоқ тилига таржима қилди. Ёки яна бир шундай ёрқин мисолга мурожаат қилайлик. Татар халқининг отаним фарзандларидан бири З. Қосимов 20-йилларда Қорақалпоғистон тарихида биринчи бўлиб, драма тўғараги тузди. Бора-бора ана шу тўғарак асосида К. Станиславский номидаги Қорақалпоғистон давлат музикали драма ва комедия театри ташкил этилди.

Татаристонда ўтган адабиёт ва санъат кунлари мобайнида Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат филармониясининг санъаткорлари, «Ойқулаш», «Қирқиз» ансамбллари, автоном республика телевидение ва радиоэшиттириш комитетининг ансамбли санъаткорлари татаристонлик ишчилар, колхозчиларга, санъат шинавандаларига ўзларининг нафис санъатларини намойиш этдилар.

Ўз навбатида татаристонлик қардошларимиз ҳам биз-га, тўғрироғи, республикамиз ижодкорларига муносиб армуғон тақдим этишди. Яъни, «Татаристон» нашриёти адабиёт ва санъат кунлари очилиши арафасида қорақалпоқ адибларининг назмий ва насрий асарлари мажмуасини татаристонлик китобхонларга ҳавола этди.

Қозонда очилган ва тасвирий санъат мухлисларининг қизғин олқишига сазовор бўлган автоном республикамиз рассомларининг кўргазмаси ҳам, ўйлайманки, диққатга сазовор иш бўлди. Чунки бу кўргазмада КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди тарихий қарорларини амалга ошираётган автоном республикамиз пахтакорлари шоликорлари ва балиқчиларининг фаолияти ҳақида, улкан мақсад йўлидаги интилишлари, изланишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Биз қардош Татаристондан катта ижодий режалар билан, бой таассуротлар билан қайтдик. Шуни айтиш керакки, ҳақиқатдан ҳам иттифоқдош ва автоном республикаларимизда адабиёт ва санъат кунларининг ўтказилиши маданий ҳаётимиздаги ажойиб тадбирлардан биридир. Чунки адабиёт ва санъат кунлари муносабати билан автоном республикамиз адиблари, санъаткорлари қардош татар биродарларимизнинг ҳаёти, турмуш тарзи ва маданияти билан янада яқиндан, атрофлича танишдилар. Адабиёт ва санъат кунларининг ёрқин самараси адибларимизнинг муқаддас қардошлик оилясини улуғловчи асарларида, шоирларимизнинг дилрабо шеърларида, санъаткорларимизнинг янгроқ куй ва рақсларида жамол кўрсатса ажаб эмас!

ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

29 июнь — 1 июль кунлари Москвада илмий-техника ҳамкорлиги Совет — Польша доимий кичик комиссиясининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. 1981—1985 йилларда СССР ва ПХР фан ва техникасини ривожлантириш планларини мувофиқлаштиришга доир масалалар кўриб чиқилди. Совет ва Польша ташкилотларининг биргаликдаги қўлғайратлари, жумладан энергетикани бошқарувчи ҳисоб системаларини ишлаб чиқиш ва уларни яратишга, атом электр станцияларига кетадиган машина-ускуналар тайёрлаш технологиясини, катта юк кўтарадиган ўзи юрар кранларни, катта интеграл схемалар ишлаб чиқарадиган технологик машина-ускуналарни ишлаб чиқиш ва яратишга қаратилиши ҳисобга олинди. СССР билан ПХР ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-техник ҳамкорлик қилиш натижалари ва истиқболлари ҳам кўриб чиқилди.

(ТАСС).

АДАБИЁТНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

СССР ёзувчилари VII съездида Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси биринчи секретари Сарвар АЗИМОВ нутқи

Совет Иттифоқи коммунистларининг буюк партияси программасида жуда катта аҳамиятга молик, ғоят теран сўзлар бор: «партиянинг олий мақсади коммунистик жамият қуришдан иборат. Партиянинг «ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» деган шиори тўла равишда амалга оширилади».

Энг яхши меҳнат аҳллари, жуда кўп авлодларга мансуб пойдоман, ор-номусли кишиларнинг асрий орзу-умидлари мужассамланган ана шу сўзлардан мусаффороқ ва олижаноброқ яна нима бўлиши мумкин.

Ўз моҳияти жиҳатидан беқиёс вазифани — коммунистик қайта қуришнинг қайноқ чашмалари тепасида туриш вазифасини амалга оширишга даъват этилган совет ёзувчиси лоқайд солномачи бўлиб қолгани йўқ, балки у инсоннят тарихида мутлақо янги воқеаларнинг фаол иштирокчисига, тадқиқотчисига ва тарғиботчисига айланди.

Биз ўзимизнинг VII съездимизга КПСС тарихий XXVI съезди бўлиб ўтганидан кейин тўпландикки, бу — қонуниятли бир ҳолдир. Ана шу съездан кейин ривожланган социализмнинг ҳаётий проблемаларини яққолроқ ва равшанроқ тасаввур эта бошладик. СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Ўртоқ Г. М. Марковнинг ҳисобот докладида, съезд делегатлари ҳамда меҳмонларининг нутқларида партия съезди белгилаган қудратли куч-илҳом, кўп миллатли ва интернационал совет адабиётининг равнақи тўғрисида жон куйдириш, ғамхўрлик қилиш сезилиб турибди.

Мен завқ-шавқ мавж уриб тирган ана шу залнинг буюк нафасини ҳис этар эканман, Леонид Ильич Брежневнинг КПСС XXVI съездида қилган илмий-назарий жиҳатдан теран, кенг кўламли докладидаги шу сўзларни беихтиёр эслайман. «Партия, — деди у, — энг яхши асарларга хос бўлган гражданлик пафосини, камчиликларга нисбатан муросасизликни, санъат жамиятнинг ҳаётига оид проблемаларни ҳал этишга фаол аралашаётганини табриклайди».

Бу гапнинг кучи ва ғўзаллиги яна шундаки, қудратли совет адабиёти партиямиз ва давлатимизнинг ҳаётбахш ленинча фалсафасига содиқ бўлиб келмоқда ва ҳамиша содиқ бўлиб қолади.

Ҳисоб бериш нуқтаи назаридан шуни айтмоқчиманки, Совет Ўзбекистони адабиёти меҳнат идеалларимиз ҳақиқатига ҳамиша ғоят содиқ бўлиб келди. Бир вақтлари қолоқ бўлган шарқ ўлкасида эндиликда етук социалистик жамият қурилган экан, бунда ўзбек ёзувчиларининг ҳам бевосита ҳиссаси бор.

Биз адабий ижода миллийлик ва интернационалик қаттиқ қотишма бўлишига эришишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб билиб келдик. Ўзбек ёзувчилари ҳамда Қорақалпоғистон қаламкашларининг икки съезд оралиғида ёзган энг яхши асарларида тор миллий масалалар эмас, балки теран социалистик, умумиинсоний проблемалар кўтариб чиқилди. Бошқа қардош адабиётлар каби Ўзбекистон адабиётининг бу тажрибаси принципиал аҳамиятга эгадир.

Ўзбек халқининг Улуғ Октябрь кунларида ва ҳаётни социалистик тарзда қайта қуриш йилларида эришган ҳамма муваффақиятлари кўп жиҳатдан Совет Иттифоқидаги барча халқлар ва адабиётларнинг ниҳоятда бағри кенг рус халқи ва қудратли рус адабиёти бошчилигидаги бирлиги ҳамда қардошлиги билан боғлиқ. Биз «машаққатли» Мирзачўл ерларини ўзлаштирар эканмиз, қардош халқларнинг қайноқ кафти ва нафасини сезиб турдик. Бинобарин, ҳозир партия иродаси билан Россиядаги ноқоратупроқ районлар обод қилинаётган экан, Ўзбекистон ана шу олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшишни ўзининг фахрли ва қардошлик бурчи деб билади.

Ўзбекистон ёзувчиларининг кўпгина асарларида совет кишиси характерининг чинакам моҳияти меҳнат орқали, фақат модий бойликларнигина эмас, гуманистик бойликларни ҳам яратаётган меҳнат орқалигина очиб берилаётганлиги уларнинг ютуғидир. Бизнингча, совет адабиётимизнинг чинакам халқчиллиги, чинакам партиявийлиги ҳам мана шундадир.

КПСС XXVI съезди минбаридан туриб республикамиз Ўзбекистон колхоз ва совхозлари ўнинчи беш йиллик мобайнида Ватанга 28,5 миллион тонна — тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 4 миллион тонна кўп пахта топширганлиги ҳақида рапорт берди.

Ўн биринчи беш йиллик ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш беш йиллиги бўлади. Умуман республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 28—31 процент кўпаяди. Пахтакорлар «оқ олтин»ҳосилини 30 миллион тоннага етказадилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ва республика ёзувчилари ана шу ютуқларни янада кўпайтириш, бу билан бутун мамлакатимизни янада фаровон қилиш йўлида барча имкониятларни ишга соладилар. Шунинг билан бирга ҳали бизнинг олдимизда кўпгина ечилмаган муаммолар бор, бу муаммолар ҳақида жиддий ўйлаб кўриш зарур. Масалан, айрим ёзувчиларимизнинг фикр доираси баъзан чекланганлиги туюлади. Уларда бунёдкор халқнинг катта, қайноқ ҳаётини акс эттириш, пахтакор ва ишчининг, инженер ва қурувчининг қаҳрамонона меҳнатини ёркин қилиб тасвирлаш қобилияти етишмайди. Шундай ёзувчилар ҳам борки, улар ўткир мавзуни пеш қилиб, бадиий жиҳатдан заиф схематик асарлар ёзадилар. Бу асарларда қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари психологик жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб берилмайди.

Ўзбекистон адабиётидаги ана шу камчиликларни ўзимиз яхши биламиз, бинобарин, бу камчиликларни тугатишга кучимиз етади.

Ғарбда маънавий бузилиш ва тушкунлик, авжига минган ҳозирги бир пайтда совет ёзувчисининг актив позицияси, Л. Толстой, А. Чехов, М. Горький, Л. Лесков, С. Айний ва Ойбекларнинг адабиётга нисбатан қаттиққўл талабчанлиги биз учун яна ҳам табарруклир.

Владимир Маяковский ва Александр Блок, Михаил Шолохов ва Александр Фадеев, Александр Твардовский ва Георгий Марков, Ғафур Ғулом ва Мирзо Турсунзода, Якуб Колас ва Максим Танк, Мухтор Авезов ва Шароф Рашидов — ўзига хос ва услуб жиҳатидан хилма-хил сўз санъаткорлари бўлсалар ҳам, улар яратган асарларнинг ғоявий негизи битта, у ҳам бўлса — коммунистик идеалларга, барча янгиликларга, гўзал дунёга садоқатдир.

Биз қардош совет адабиётларининг хилма-хил бойлигини яна ҳам ошириш ва сўз санъаткорларининг ўзига хос маҳоратини авайлаб сақлаш учун СССР халқларига, ҳаётимизга, айниқса миллатлараро алоқа воситаси бўлган улуғ рус тилига бадиий таржима қилиш масаласи алоҳида аҳамиятга эга эканини аниқ тасаввур этишимиз керак. СССР Ёзувчилар союзининг секретариати бадиий таржима масалаларини ўз қўлига олиб, бир пайтлари Москвада СССР халқлари адабиётлари асарларини атоқли рус ёзувчилари таржима қилган яхши анъанани қайта тикласа, тўғри бўлур эди. Биз рус адабиёти асарларини миллий тилларга таржима қилиш борасида гап борганда ҳам жойларда худди шундай йўл тутишимиз керак. Бу эса халқлар дўстлигини ва адабиётлар дўстлигини амалда мустаҳкамлаш деган гап бўлади.

Яна шуни айтмоқчиманки, «Қоғоз қаҳатчилиги» деган нарса совет адабиётининг ўсишига салбий таъсир қилиб келмоқда. Коммунизм учун ва империализмга қарши, тинчлик учун ва урушга қарши, барча эзгу ниятлар учун ва барча қолоқ нарсаларга, жаҳолатга қарши курашда адабиётнинг олдида ғоят муҳим идеологик вазифалар турганлигини эътиборга оладиган бўлсак, «Қоғоз қаҳатчилиги» масаласини узил-кесил ҳал қилиш, бизнингча ҳозирги босқичда энг муҳим вазифадир. Мамлакатимизнинг мўътабар органлари китобни ўз ўқувчисига етказиш йўлидаги барча тўсиқларни тезроқ бартараф қилишга ёрдам берадиган ҳамма зарур чоратадбирларни кўрадилар деб умид қиламиз ва тажриба ҳам шундай умид қилиш ҳуқуқини берди.

Ленин совет давлатининг тажрибасига асосланиб шундай хулосага келган эди: мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг ўз озодлиги учун олиб бораётган кураши муваффақият билан тугайди. Шарқ уйғонгандан сўнг миллий озодлик ҳаракатида шундай давр келадики, натижада шарқдаги барча халқлар бутун дунё тақдирини ҳал этишда қатнашадилар. Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Закавказье совет халқларининг намунаси шундан далолат беради. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги мамлакатларининг бугунги ижтимоий-сиёсий харитаси шундан далолат берди. Империалистик мамлакатлар ва уларнинг малайлари Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг озодлиги ва тараққиёти йўлида қанчалик ҳийла-найранг ишлатмасинлар, жамият қонунлари тарихий зарурат асосида ривожланаверади.

Халқ сиёсий ҳокимиятни ва иқтисодий сиёсатни ўз қўлига олган ҳамма жойда озодлик, тинчлик, тараққиёт, гарчи баъзан катта қийинчилик билан бўлса ҳам, ғалаба қозонаверади. Биз совет ёзувчилари Осиё ва Африка ёзувчилари ушмаси доирасида фаол ҳамкорлик қилар эканмиз, шунга бир неча бор шоҳид бўлдикки, антисоветизм қарнайчиси, зўр бериб қуролланиш ва конфронтация маддоҳи бўлишдек шармандали юмушга кириш-ган Хитой раҳбарлари ҳам ўз халқининг, ҳам дунёдаги бошқа халқларнинг туб манфаатларига зид иш қилмоқдалар, улар ҳам ўз бадиий адабиётининг, ҳам бутун дунёдаги прогрессив адабиётнинг туб манфаатларини унутиб қўймоқдалар. Бутун фожиа шундаки, Хитой Халқ Республикасининг гегемонистик, Советларга қарши, маданият анъаналарига зид сиёсати империализмнинг агрессивлигини оширишга омил бўлмоқда, дунёни янги жаҳон уруши ёқасига олиб келмоқда. Бир миллиард кишидан иборат хитой халқи буни билиши керак. Бинобарин, биз, совет ёзувчилари бу борада кўмаклашмоғимиз даркор. Бутун дунё халқлари буни билишлари керак. Бинобарин, биз совет ёзувчилари бу соҳада ҳам кўмаклашмоғимиз даркор.

Дарҳақиқат, қаламкаш дўстлар, биз бундан кейин ҳам ғоясизлик, дунёқарашдаги бефарқлик, аниқ синфий баҳо беришдан чекиниш лик кўринишларига қарши муросасиз курашда олиб боришимиз шарт. Мамлакатимиз коммунистлари партияси Ленининг адабиётнинг партиявийлиги ҳақидаги таълимотини ривожлантира бориб, «Партия санъатимизнинг ғоявий йўлига бефарқ қарамаган ва бефарқ қарайолмайди», деб минг карра ҳақ гапни айтди.

Таниқли ғарб ёзувчиси Герберт Уэльс 1920 йилда Совет Россиясига келганида «Россия истиқболини» кўз олдига келтиролмаган эди. Жаҳон адабиётининг — шарқ адабиётининг бошқа бир ёзувчиси — Рабиндранат Тагор 1930 йилда мамлакатимизда бўлгач «тарих йўлида беҳисоб фидойилик қилган» Совет Иттифоқига ниҳоятан умр бўйи садоқат билан ўтди.

«Бу воқеа 1941 йил август ойида бўлган эди, — деб ҳикоя қилади 1956 йилда Ҳиндистонга сафар қилган Илья Эренбург. — Тагор операцияга ётиши керак эди. У операциядан яхши чиқишига ишонмасдим. Россиядан келаётган хабарлар уни ғамга соларди: фашистлар ўшанда Москвага яқинлашиб қолган эди. Операцияга ётиш олдидан у ўзининг дўсти, профессор Махаданобисдан сўрайди: «Бугунги газеталарда нима гап? Россияда аҳвол қалай?» хабарлар нохуш эди, лекин профессор Тагорни тинчитиш мақсадида: «уларни тўхтатишибди», дейди. Тагор жилмайиб қўяди: «Руслар уларни тўхтатишини биладим...» Бу унинг охирги гапи эди, у операция пайтида оламдан ўтди.

Мана шу кунларда ССР Иттифоқи Большой театри саҳнасида «Ҳинд достони» номли янги балетнинг премьераси бўлиб ўтди. Атоқли совет хореографи Ю. Н. Григорович бошчилигидаги шоҳли Москва санъаткорлари коллективи ўзбек композитори У. Мусаевнинг балет музикасига мурожаат қилди. Бу балет Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» асари асосида яратилган. Икки мамлакат — Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон Республикасининг санъаткорлари ҳамкорлигида жозибали спектакль яратилди. Дадил ва драматик контрастлар асосига қурилган бу спектакль халқларнинг ер юзида эркинлик ва тинчлик қарор топиши ҳақидаги асрий орзусини тасвирлайди. Бунинг рамзий маъноси бор, У СССР Олий Советининг жаҳон парламентларига ва халқларига, мурожаатномасидаги: «Фожианинг такрорланишига йўл қўйиб бўлмайди. Янги жаҳон урушига йўл қўймаслик учун ҳамма ишни қилиш лозим ва мумкин», деган сўзлар билан ҳамоҳангдир.

Биз, совет ёзувчилари янгича орзу қилиш ва ишлашни Лениндан, коммунистлар партиясидан ва совет халқидан ўрганиб келдик. Бизнинг келажагимиз — коммунизм. Азиз дўстлар, дадил олга бориб, кўп миллатли улуғ совет адабиётимизнинг бутун хазинасини бойитаверайлик. **(Қарсаклар).**

ПЛАНЕТАМИЗДА

РАҲНАМО ОМИЛ

Тинчлик, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, кескинликни юмшатиш сиёсатини давом эттириш ва ҳарбий соҳадаги кескинликни ҳам юмшатиш учун тинимсиз курашиш КПСС билан Совет давлати учун халқаро майдондаги амалий ишларда раҳнамо омилдир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москвада ГСДП Раиси В. Брандт билан учрашуви, уларнинг Катта Кремль саройида сўзлаган нутқлари хусусида чет эл оммавий ахборот воситаларида билдирилаётган кўпдан-кўп фикрларнинг асосий мазмуни мана шундан иборат.

Л. И. Брежневнинг В. Брандт билан учрашуви — Ғарбий Германия матбуоти, радиоси, телевидениесининг диққат марказида турибди. «Ҳарбий мувозанатга эришишнинг тўғри йўли — қуролланишдан иборат эмас, балки қурол-яроғларни ўзаро қисқартиришдан иборат», — деб ёзади **«Вестфелише рундшау»** газетаси. Яна шу газета қуйидагиларни таъкидлайди: Совет Иттифоқи ишнинг моҳияти юзасидан музокаралар бошланган куниёқ ва АҚШ музокаралар вақтида Европадаги ўртача олисликка учадиган ўз ядровий воситаларини кўпайтирмаслик мажбуриятини албатта олган тақдирда мамлакатнинг Европа қисмидаги ўртача олисликка учадиган совет ракеталарини жойлаштиришни тўхтатиб туришга тайёр эканини яна бир бор тасдиқлади. «Совет раҳбари, — деб ёзади **«Зюддойче Цайтунг»** газетаси, — Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларда мавжуд бўлган ихтилофлар музокаралар йўли билан ҳал этилиши лозим эканини айтди», «Л. И. Брежнев қуролланиш пойгасини жиловлашдан ҳам зарурроқ, бундан ҳам жиддийроқ вазифа йўқ эканини яна зўр куч билан таъкидлади», — деб уқтиради **«Ўзерс цайт»** газетаси. СССР «совуқ уруш»нинг янги нусхасини вужудга келтирадиган салбий тенденцияларнинг ривожланишига йўл қўймасликка интилмоқда». «Бизнинг ядро асримизда қуролланиш пойгасида ютиб чиқишга умид қилиш йўли билан ўз хавфсизлигини пишиқ-пухта таъминлаб бўлмайди, — деб уқтиради Чехословакиядаги **«Руде право»** газетаси. Бизнинг замонамизда, хавфсизлик қарама-қарши кучларнинг вужудга келган тахминий ҳарбий тенглиги ва шу кучлар даражасини бора-бора қисқартириш асосига қурилган тақдирдагина реал ва мустаҳкам бўлиши мумкин». «Совет коммунистлари учун, бутун совет халқи учун, — деб таъкидлайди **«Нойес дойчланд»** газетаси (ГДР), — тинчлик олий бойлик бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, жамики Willи Брандт сиёсий соҳадаги кескинликни юмшатиш билан бирга ҳарбий соҳадаги кескинликни ҳам юмшатиш зарур, деган равшан хулосага келдилар».

Л. И. Брежневнинг нутқи социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг марказий матбуотида тўла равишда эълон қилинди ёки батафсил баён қилиб берилди. «Бошқа социалистик давлатлар сингари Совет Иттифоқи ҳам, — деб ёзади Болгариядаги **«Работническо дело»** газетаси, — салбий тенденцияларнинг кескинликни юмшатишдан «совуқ уруш»нинг янги нусхаси сари бурилишнинг ривожланишига йўл қўймасликка интилмоқда». «Бизнинг ядро асримизда қуролланиш пойгасида ютиб чиқишга умид қилиш йўли билан ўз хавфсизлигини пишиқ-пухта таъминлаб бўлмайди, — деб уқтиради Чехословакиядаги **«Руде право»** газетаси. Бизнинг замонамизда, хавфсизлик қарама-қарши кучларнинг вужудга келган тахминий ҳарбий тенглиги ва шу кучлар даражасини бора-бора қисқартириш асосига қурилган тақдирдагина реал ва мустаҳкам бўлиши мумкин». «Совет коммунистлари учун, бутун совет халқи учун, — деб таъкидлайди **«Нойес дойчланд»** газетаси (ГДР), — тинчлик олий бойлик бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, жамики амалий халқаро ишларда раҳнамо омил бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Л. И. Брежневнинг Кремлдаги нутқида бу нарса яна зўр куч билан таъкидлаб ўтилди».

Американинг оммавий ахборот воситалари Л. И. Брежневнинг В. Брандт билан учрашувини шарҳлаб, СССР ишнинг моҳияти юзасидан музокаралар бошланган куниёқ ва АҚШ музокаралар вақтида Европадаги ўртача олисликка учадиган ракеталарни жойлаштиришни тўхтатиб туришга тайёр эканини алоҳида таъкидламоқда. «Москва, — деб ёзади **«Вашингтон пост»** газетаси, — Европадаги ядро қуролларини чеклаш тўғрисидаги музокаралар чўзилиб кетганлиги учун масъулиятни яна АҚШ зиммасига юкламоқда». Совет раҳбари, деб таъкидлайди **АП агентлиги**, АҚШнинг Совет Иттифоқидан ҳарбий устунликка интилиши халқаро майдондаги барқарорликка путур етказади ва АҚШнинг ўз хавфсизлигини тагин ҳам мўрт қилиб қўяди, деб Америка маъмурларини огоҳлантирди.

Л. И. Брежнев кескинликни юмшатиш сиёсатини давом эттириш учун, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилиш заруллигига ишончи комил эканлигини тасдиқлади, деб уқтиради Японияда чиқадиган **«Майнити»** газетаси. **(ТАСС).**

Америка Қўшма Штатларида урушга қарши ўтаётган оммавий намойишлар ва митинглар қатнашчилари тинчликни сақлаб қолишни, қуролланиш пойгаси тўхтатилишини қатъий талаб қилаётирлар. СУРАТДА: Нью-Йоркдаги урушга қарши митингга тўпланган минглаб кишилар расмий Вашингтоннинг милитаристик йўлини қатъий қораламоқдалар.

ТАСС фотохроникаси.

З. БОБОХОНОВНИНГ АДРГА ҚИЛГАН САФАРИ ТУГАДИ

КОБУЛ, 2 июль. (ТАСС). Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назоратининг раиси муфти Зиёвуддин Бобохоновнинг Афғонистонга қилган сафари тамом бўлди. У Афғонистон уламолари ва руҳонийлари олий кенгашининг таклифи билан бу ерга келган эди. АДР Министрлар Советининг Раиси С. А. Кештманд, чет мамлакатлар билан дўстлик Афғонистон жамиятининг раиси Анахита Ротибзод хоним муфти З. Бобохоновни қабул қилдилар. У АДР руҳонийларининг вакиллари билан учрашди. З. Бобохонов ўз сафари давомида Афғонистон мусулмонлари билан биргаликда намоз ўқиди. Мазори Шариф шаҳрида бўлди.

Муфти З. Бобохонов учрашув вақтида Афғонистон мусулмонларининг ҳаёти билан, муқаддас ислом динини астойдил ҳурмат қилувчи АДР раҳбарларининг снёсати билан танишди, совет мусулмонларининг ҳаёти ҳақида, СССРда диний эътиқод эркинлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Сафар тамом бўлиши билан муфти Зиёвуддин Бобохоновга Кобул университетининг профессори фахрий дипломи топширилди. Бу диплом меҳнаткашлар оммасининг манфаатлари, ер курраси даги халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни ҳамда Афғонистон Демократик Республикаси Совет Иттифоқи мусулмонлари ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш соҳасидаги катта илмий ва ижтимоий фаолияти учун, ҳар икки мамлакат ўртасидаги яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашдаги хизматлари учун унга топширилди.

ХУНУК НАЙРАНГЛАР

ВАШИНГТОН, 1 июль. (ТАСС). АҚШ давлат секретари А. Хейг матбуот учун берган баёнотида Афғонистон тевараги да вужудга келган аҳвол хусусида Европа ҳамжамиятлари кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг «ташаббуси» деб аталган ташаббусларни таб риклади. Англия таклифи асосида юзага келган бу «ташаббус»нинг моҳияти ҳақидайдир «халқаро конференция» чақириш дан иборат, унинг иштирокчилари, — асосан Ғарб мамлакатлари, шунингдек Хитой Афғонистон проблемасини АДР ва кўпларининг иштирокисиз муҳокама қилишлари лозим.

Суверен АДРга қарши разилона уруш бошлаб, уни давом эттираётганлиги, масалани сиёсий йўл билан бартараф этишга тўсқинлик қилаётганлиги маълум бўлган Вашингтоннинг бу позициясига сабаб нима? Обзорчиларнинг фикрича, Европа ҳамжамиятлари кенгашининг «ташаббуси» «афғон муаммоси»ни бартараф этиш йўлларини қидиришда бош ва асосий томон бўлган Афғонистон Демократик Республикасини четлаштириб қўйишга қаратилганлиги учун ҳам А. Хейг мана шундай баёнот берган.

Маълумки, Афғонистон тевараги даги аҳволни бартараф этишнинг реал йўли АДР ҳукуматининг 1980 йил 14 май баёнотида кўрсатиб берилган. АДР таклифларининг моҳияти Афғонистон билан унинг қўшилари, аввало Эрон ва Покистон ўртасида музокаралар ўтказишдан ҳамда СССР ва АҚШ томонидан битим гарантиялари таъминланишидан иборат. Бошқа сўзлар, ҳамма тафовутларга қарамай, Леонид Брежнев билан этиш тўғрисида битимга эришилса, бу нарса Афғонистон томони билан келишиб совет қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетиш муддатлари ва тартибини белгилашга имкон берган бўлур эди. Афғонистонга қарши интервенциянинг қайтадан бошланмаслиги пухта ва ишончли равишда кафолатланган бўлиши лозим. «Афғонистоннинг манфаатларига дахлдор масалалар АДР ҳукуматининг иштирокисиз ёки унинг розилигига зид равишда муҳокама қилинмаслиги ва айниқса ҳал этилиши мумкин эмас», деб АДР ҳукуматининг 14 май баёнотида алоҳида таъкидлаб ўтилган.

СССРнинг Афғонистон раҳбарлиги тинчлик ташаббуслари ҳусусидаги позицияси ҳаммага маълум: у Афғонистоннинг тинчлик ташаббусларини актив қўллаб-қувватлаб, бу ташаббусларни умуман региондаги вазиятни нормаллаштиришга ҳам хизмат қиладиган ташаббуслар деб ҳисоблайди. Афғонистон тевараги даги аҳволни алоҳида тарзда ҳам, шунингдек Форс кўрфази хавфсизлиги масалалари билан боғлаган тарзда ҳам бартараф этишда қатнашишга тайёр эканини изҳор қилади. Бунда Афғонистон муаммосининг фақат халқаро жиҳатлари муҳокама қилиниши мумкинлиги табиий.

Демократик Афғонистонга қарши агрессияни кучайтириш эмас ва Ғарбдаги баъзи доираларнинг афғон халқи тақдирини ундан пинҳон тутиб ҳал этиш йўлидаги уринишлари эмас, балки кенг амалий асосдаги музокаралар — регионда тинчликка эришишнинг бирдан-бир йўли эканлигига мутлақо равшан. Бундан бошқа оқилона йўл йўқ.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

ИСЛОМОБОД. Жазирама иссиқ бошланиши билан Покистонда кишини нобуд қиладиган меъда-ичак касалликлари ғоятда кўпайиб кетди. «Муслим» газетасининг хабар қилишича, Карочида кейинги бир неча кунининг ўзидагина ўндан ошиқ киши гастроэнтерид касаллигидан ўлган. Шаҳар сув таъминоти системасининг санитария ҳолати пастлиги касалликларнинг асосий сабабчисидир, деб ёзади газета.

АНКАРА. Туркияда Ғарб намунасига мувофиқ барпо этилган ва унинг таъсирида турган миллий таълим системаси бош берк кўчага кириб қолди. Мамлакатнинг миллий таълим министри Х. Саглам шу гапни эътироф этди. Министр бу ерда миллий таълим кенгашининг очилиш маросимида гапириб мамлакатнинг иқтисодий юксалтириш манфаатларига мос кела оладиган туб ўзгаришлар амалга оширилиши зарурлигини таъкидлади.

КОҲИРА. Исроилдаги сионист раҳбарларнинг агрессив босқинчилик йўли мамлакат социал-иқтисодий ҳаётининг ҳамма томонларига салбий таъсир кўрсатяпти. Соғлиқни сақлаш соҳаси ҳам бундан истисно эмас.

Исроил матбуотининг маълумотларига кўра, мамлакатда кейинги 8 йил ичида медицина хизмати ҳақи қариб 700 процент ошган. Шу даврнинг ичида дори-дармон нархи 13 баравар кўтарилган. Давлат ёрдамидан маҳрум бўлган касалхоналар ва поликлиникалар бирин-кетин ёпилмоқда. Уларнинг ходимлари ишсизлар қаторига бориб қўшилмоқда.

(ТАСС).

САМАРҚАНД МЕЪМОРЧИЛИГИГА ҚОЙИЛ БЎЛМОҚДАЛАР

КАТМАНДУ, 1 июль. (ТАСС). Непал короли академиясининг залларида икки ҳафта давомида кўрсатилган «СССР халқларининг меъморчилик обидалари» фотовиставкаси ўз ишини тамомлади. Кўргазма Непал жамоатчилигини ғоят қизиқтирди. Архитекторлар, зиёлилар ва меҳнаткашлар совет республикалари қардош халқларининг меъморчилик санъати тарихи билан, ҳозирги замон архитекторларининг ижодлари билан, Москва ва бошқа шаҳарлардаги XXII ёзги Олимпиада ўйинларининг объектларига бағишланган бўлимлар билан танишдилар.

Кўргазма томошабинларининг фикрлари ёзиладиган китобда ўнлаб қувончли миннатдорчилик фикрлари пайдо бўлди. «Биз ажойиб кўргазма учун совет дўстларимиздан бениҳоя миннатдормиз, бу кўргазма бизга Москвадаги Қизил майдонни, Самарқандни кўриш, совет архитектурасининг тарихи билан танишиш имконини берди», — хизматчилардан Р. Х. Дхун билан Х. Р. Дахал ўз таассуротларини мана шундай ифодалаганлар.

«Совет меъморчилик санъати унутилмас таассурот қолдиради, совет кишиларини ҳушиқор билиш ва тушунишга ёрдам беради. Бундай кўргазмалар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга кўмақлашади», деб таъкидлади Катманду технология институтининг студенти Ш. Покхрел.

ЭРОН ПАРЛАМЕНТИ МАЖЛИСИ

Эрон парламентининг раиси Хошими-Рафсанжани суддан яшириниб юрган собиқ президент Банисадрни ва шоҳпараст гуруҳларни Эрон революциясига қарши кенг фитна уюштиришда айблади.

Қўшма Штатлар революциямизнинг энг ашаддий душманидир, деди парламент мажлисида Деҳлороннан депутат қилиб сайланган Муҳаммади. Ислом республикаси партияси қароргоҳидаги портлашни (ана шу портлаш натижасида 74 киши, шу жумладан мажлисинг 27 аъзоси ҳалок бўлди) Эрон аксилинқилобчилари амалга оширишган бўлсада, уни АҚШ марказий разведка бошқармаси билан Исроилнинг «Моссад» разведкаси уюштирган эди, деди у.

Парламент мажлисида портлаш чоғида жароҳатланган депутатлар ҳозир бўлишди. Мажлис АҚШнинг ҳамда унинг ҳомийлигидаги контрреволюцион кучларнинг Эрондаги қўпорувчилик ишларини кескин қоралаш вазиятида ўтди. (ТАСС).

Қимматчилик ошмоқда

ТОКИО, 2 июль (ТАСС). Деҳқончилик, ўрмончилик ва балиқчилик министрлигининг бу ерда эълон қилинган докладида, қуйидагилар айтилади: япон деҳқонлари оилаларининг даромадлари 1980 йил молия йилида бундан олдинги йилга нисбатан 16,1 процент қисқарди. Ўтган йили қосил яхши бўлмаганлиги сабаблиқ маҳсулот сотишдан оила бюджетларига тушумлар камайди. Айни вақтда ўғит, заҳарли химикатлар, асбоб-ускуналар, бензин сотиб олиш учун харажатлар 11 процент ошди.

Ем-хашак тайёрлашни кучайтирайлик

ИККИ ЙИЛЛИК ПЛАНГА ТЕНГ

ТЕЛЕФОНДА ҚАМАШИ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ М. ОЛЛОЁРОВ:

Районимиз чорвадорлари мавсумда икки йиллик планга тенг ем-хашак тайёрлаш учун курашмоқдалар. Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор. Егингарчилик кўп бўлиши туфайли яйловларда табиий ўтлар яхши ўсди, галладан юқори ҳосил етиштирилди. Шу кунларда галла ва пичан ўрим-йиғими тезкорлик билан олиб бориляпти. Донни барвақт йиғиштириб оламиз, план ва мажбуриятни ортиғи билан бажарамиз. Айни кезда ўт ўримини ҳам жадаллаштирямиз. Мақсадимиз чорва моллари учун ҳар қачонгидан кўп ва сифатли озуқа жамғаришдир.

Бу йил районимиз бўйича 70 минг тонна хашак жамғаришга қарор қилганмиз. Шу кунгача 65 минг тоннага яқин хашак тўпланиб, чорва моллар қишлайдиган жойларга келтирилди. Ўримни кучайтириш билан хашакни қуритиш, майдалаш, исроф бўлишига йўл қўймасликка алоҳида эътибор беряпмиз. Хашак ташишга махсус жиҳозланган транспорт воситалари етарли миқдорда ажратилди. Барча колхозлар ва совхозларда ем-хашак тайёрлаш бригадалари қизғин иш олиб боряпти.

Галлачиликка ихтисослаштирилган Карл Маркс номли совхоз коллективи ҳозирдаёқ 15 минг тоннадан ортиқ қимматбаҳо озуқа жамғариб, йиллик планни муддатидан илгари анча ошириб бажарди. Жонкулар коллектив бу билан қаноатланаётгани йўқ. Икки йиллик планга тенг ем-хашак тўплаш уларнинг шарафли бурчига айланди.

Бунтларга 6.500 тониадан зиёд хашак ғарамланди. Бу билан «Партия XXII съезди» колхози чорвадорлари йиллик топшириқни муваффақиятли адо этдилар. 7000 тонна хашак ғарамлаган «Гулистон» совхози чорвадорлари ҳам йиллик планни ортиғи билан адо этдилар.

Бир сўз билан айтганда, районимизнинг барча хўжаликларида қишлов учун озуқа тайёрлаш ўтган йилдагидан самарали олиб борилмоқда.

Лекин бу ҳали талаблар даражасида эмас. Сабаби, районимизда чорва моллар туёқ сони йилдан-йилга ортяпти. Шу асосда ем-хашак миқдори ҳам ортиб бориши керак. Иккинчидан, чорвадорларимиз гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш ҳамда давлатга сотиш бўйича оширилган мажбуриятлар қабул қилганлар. Бундан чиқадиган хулоса шуки, бир йилда камида икки йиллик план миқдорида озуқа жамғаришимиз лозим. Етарли миқдорда эҳтиёт фондига эга бўлиш ҳам шуни тақозо этади.

Районимиз хўжаликларида сенаж бостириш ҳам авж олдирилянти. Сенаж чорва моллари бўрдоқи ва сўқимга боқиш, сигирлар сутини кўпайтириш, ёш чорва моллари семиртиришда, айниқса, катта роль ўйнайди. Ундан ташқари сенаж бостириш билан табиий ўтларнинг тўйимлилик хусусияти сақлаб қолинади, қиш фаслида давлатдан ёрдам сўрашга эҳтиёж қолмайди. Колхоз ва совхозларимизда пландаги 40 минг тонна ўрнига 43 минг тонна сенаж бостирилди.

Бутун куч, техника воситалари ем-хашак тўплашни бутун чоралар билан кучайтиришга сафарбар этилмоқда. Иш бошида коммунистлари турибди, ем-хашак тайёрлаш бригадаларининг аъзолари қилаётган ишлари ҳақида ҳисоб бериб бормоқдалар. Транспорт воситалари етарли. Дони янчиб олинган сомонни ташиш ва сақлашга катта эътибор беряпмиз.

Қамаши райони чорвадорлари қулай келган фурсатдан оқилона фойдаланиб, икки йиллик план миқдорида ем-хашак тайёрланишини, чорва қишлови бехатар ўтказилишини, маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтиришни таъминлайдилар.

АХБОРОТ

ЭЛ АРДОҒИДА

Ромитан районидаги «Ромитан» совхозида жойлашган ўрта мактабда Коммунистик партия ва совет халқининг шонли фарзанди Файзулла Хўжаев хотирасига бюст ўрнатилди. Бюстни маҳаллий рассом ва ҳайкалтарош Сергей Лукашев яратган. Ёдгорликнинг очилишига бағишланган йиғилишни Файзулла Хўжаев номидаги мактаб ўқитувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жума Шукуров очди. Йиғилишда Октябрь, Ленин, баҳор ва меҳнат ҳақидаги шеър ва қўшиқлар янғради. Тантана сўнгида мактаб бадиий ҳаваскорлари катта программада концерт бердилар.

Р. ТУЛАЕВ,

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ

— Дала меҳнаткашларининг ишлари авжи қизиган ез палласида район саноат, маданият ходимлари уларга янада намунали хизмат кўрсатиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. — дейди Арнасой район маданият бўлими мудири А. Киёмов. — Район маданият уйи қошидаги ашула ва рақс ансамбли меҳнаткашларнинг дам олиш пайтларини кўнгилли ўтказишлари учун а шийпонларида, бригада- концертлар бермоқда- ойонда 11 та кутубхона бўл ular район маданият бўлимига марказлаштирилган. Ҳар бир совхоз дала шийпонларида эса кўчма кутубхоналар ташкил этилган.

Дарҳақиқат, район меҳнаткашларининг яхши дам олишларини таъминлаш учун барча тадбирлар амалга оширилаётир.

Район марказида истироҳат боғи барпо этилянти. Боғ территорияси 16 гектардан иборат. Шундан 7 гектари сунъий кўл. 16 та қайиқ ва сувга сакраш трамплинларидан тортиб, ҳамма-ҳамма қулайликлар яратилган. Кўл атрофи тобора ободонлаштириляпти. Яқин орада бу ерда ресторан, чойхона, болалар дам оладиган майдончаларда эса арғимчоқлар, каруселлар ишга тушади. Салқин ичимликлар билан савдо қиладиган дўконлар, медпункт биноси қурилиши ҳам ниҳоясига етиб қолди.

Ж. МАЖИДОВ.

ЙЎЛОВЧИЛАР ХУРСАНД

Шаҳрихон шаҳри автостанциясининг ишчи-хизматчилари ҳаракат хавфсизлиги ойлигида йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада кўтариш, рейсдаги автобусларнинг графикка қатъий амал қилишини таъминлаш учун астойдил қурашишяпти. Автостанциядан ҳар куни 65 та автобус шаҳарнинг турли маршрутлари бўйлаб йўл олади. Т. Бобожонов, А. Акромов, О. Сотволдиев каби шоферлар йўловчиларни ўз вақтида манзилига элитиб, уларнинг олқишларига сазовор бўлишмоқда.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошириш учун меҳнат қилаётган автостанция ходимлари съездлар бўлиб ўтган бу йилда аҳолига 15 миллион 850 минг сўмлик намунали транспорт хизмати кўрсатадилар. Бу давр мобайнида 7 миллион 980 минг йўловчининг эҳтиёжи қондирилди.

Ҳ. РУСТАМОВ.

* * *

Шунингдек, редакцияга бухоролик Р. Ражабов лаб, шаҳар чилик фабри ҳукуматимиз чиларга кўр ҳўрликлар, н маиший хизм натдорлик ту ради.

— Самарқ Киров номли кўтарган «Г универмагнин лишини колх билан кутиб ди самарқандлик **М. Эрбоев**, Олмаотолик **Г. Маралбоев**, муборакли **А. Ўринов**, андижонлик **Х. Йўлдошев** ва бошқа ўртоқларнинг хатларида ҳам иктисодий ва маданий ҳаётдаги янгиликлар ҳақида хабар қилинади.

«ТЕЗЛИК» РЕЙДИ

АВТОМАШИНАЛАР ЭГАЛАРИ БИЛИБ ҚЎЙСИНЛАР

Мамлакатимизда шу йил 1 июлдан бошлаб шахсий транспорт воситаларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашнинг янги тартиби амал қила бошлади.

Автомобиль, мотоцикл, мотороллер, моторли қайиқ эгалари тўланадиган суммани осонгина ҳисоблаб чиқара оладилар. Бунинг учун ўзи яшаётган жойда двигателнинг ҳар бир от кучи ҳисобига солиқ миқдорини билиб олса бас. Ана шу миқдор транспорт воситаси қуввати неча от кучи бўлса ўша миқдорга кўлайтирилади. Масалан, республика, автоном республика марказларида ҳар бир от кучи ҳисобига солиқ 25 тийин белгиланган. Агар сизнинг «ВАЗ—2101» «Жигули» машинангиз қуввати 64 от кучидан иборат бўлса ана шу рақамни 25 га кўлайтирасиз. Сизнинг 16 сўм тўлашингиз маълум бўлади.

Транспорт воситалари эгалари ҳар йили тўлайдиган солиқдан Улуғ Ватан уруши инвалидлари, СССРни ҳимоя қилиш вақтида ярадор бўлиш, контузияга учраш ёки жароҳатланиш натижасида ёҳуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касалликлар оқибатида инвалид бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, партизанлик вақтида инвалид бўлган шахслар ҳамда пенсия таъминоти бўйича ҳарбий хизматчиларнинг юқоридаги категориясига тенглаштирилган шахслар озод қилинадилар.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, автомашиналар учун бериладиган давлат номер белгиларини тайёрлаш учун кетадиган чиқимлар ҳисобга олиниб, номер белгиларининг нархи оширилди.

Автотранспорт ҳайдовчиларига кези келганда яна бир нарсани эслатиб қўймоқчимиз. Мамлакатимизда 1 июлдан 20 июлгача «Тезлик» Бутуниттифоқ рейди ўтказилади. Бу рейдни ўтказишдан асосий мақсад ҳайдовчилар интизомини мустаҳкамлаш ва шу йўл билан тезликни ошириш оқибатида юз берадиган йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олишдир. Ҳайдовчилар белгилаб қўйилган ҳаракат тезлигига риоя қилишлари ва хавфсизлик камаридан, мотоциклчилар эса шлёмлардан фойдаланишлари шарт.

М. АБУТОВ,
Милиция подполковники, Ўзбекистон ССР Давлат автоинспекцияси бошлиғининг ўринбосари.



ҚЎШИҒИМИЗНИ НОҚОРАТУПРОҚ ЎЛКАГА БАҒИШЛАЙМИЗ

Иваново областида концертлар бераётган «Ер-ёр» ансамбли 57-механизациялашган кўчма қурилиш колоннасида, Шуядаги темирбетон комбинатида, Ново-Талица қишлоғида... қурилиш майдонлари, бинокорлик материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқарувчи корхоналар, бинокорларнинг шаҳарчаларида тўхтаб ўтди. Ўзбекистонлик артистлар ўз қўшиқларини Сағиз ер меҳнаткашларига бағишладилар. Булар орасида ансамблга ном берган қадимги «Ер-ёр» қўшиғи ҳамда янги «Дўстлик қўшиғи», «Қўли гул кишилар» қўшиғи бор. «Дўстлик» қўшиғини шоир Енгин Мирзо сўзига Юнус Тўраев басталаган. «Қўли гул кишилар»ни эса шоир С. Қўқонбоев сўзига композитор С. Тўхтасинов басталаган.

Ун бир концертимизнинг қариб ҳаммасини очиқ қурилиш майдонларида бердик, деди коллективнинг бадиий раҳбари Юнус Тўраев. Автокранлар бетон блокларидан «саҳна» вужудга келтирдилар ва унинг теварагида томошабинлар жойлашган концерт бошланиб кетаверди. «Ўзбекистон» совхозининг шу саҳнамиздан кўринаётган кўчалари, мурғак дов-дарахтлар орасидаги уйлар замини яқиндагина ботқоқлик бўлганлигига кишининг ишонгиси келмасди. Одамлар ботқоқликни қуритиб устига тупроқ ётқизадилар... Совхоз кўчалари бўғдойзорларга кириб боради. Ғалла ўсмоқда. Мамлакатимиз қардош халқлари вакилларининг меҳнатларини Сағиз ерларнинг бугунги ҳосилида кўрамиз...

Артистлар Тошкент, Фарғона, Бухородан ўлкани ўзлаштиргани келган мелиораторлар, қурувчиларга ўз диёрларидан салом келтирдилар. Шуларнинг ҳар бири учун ўзбек, рус, тожик, украин, озарбайжон тилида қўшиқ айтилди.

(ЎзТАГ).

Ҳозир барча совет кишиларининг диққат-эътибори Ноқоратупроқ ўлкага қаратилган. Чунки бу ерда замондошларимиз улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Яқинда Иваново областида қайноқ қалб бунёдкорлари олдида Ўзбекистон Давлат филармониясининг республикада хизмат кўрсатган артист Юнус Тўраев раҳбарлигидаги «Ер-ёр» ансамбли санъаткорлари катта концерт қўйиб беришди. Суратда: [юқорида] Юнус Тўраев қўшиқ ижро этмоқда.

Пастдаги суратда: Диляфар Комилова.

В. Баскаков фотолари.

Чайқовчилик—иллат

ТЕКИНХЎРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

Шу йилнинг 19 майида Тошкент шаҳрининг Ленин районидаги территориясидаги ҳаммомда машинага туршак ортилаётган вақтда БХСС ходимлари пайдо бўлдилар. Маълум бўлишича, чайқовчилар Жўраев, Аҳмадалиев ва Қодировлар Тошкент автоцентрига қарашли «КамАЗ» автомашинаси ҳайдовчиси Г. Савельев билан келишиб, 13 тонна ўрикни Горький шаҳрига олиб бормоқчи бўлганлар. БХСС ходимларининг оператив ҳаракати туфайли чайқовчилар қамоққа олинди, 13 тонна қуруқ мева эса магазинга топширилди.

Чайқовчилар қуруқ мевани Риштон районидаги кол хозчилардан сотиб олиб, Горький шаҳрида пулламоқчи бўлганлар. Лекин улар еллаган автомашина ҳайдовчиси Тошкентга келгач, нимадандир ҳавфсираб, юкни ҳаммомга тушириб қайтиб кетган.

Республика Ички ишлар министрлиги ходимлари текинхўрликка, чайқовчиликка қарши курашни кучайтириш, социалистик турмуш тарзимизга ёт бўлган ҳамма нарсаларга қарши кураш олиб бориш тўғрисидаги партия ва ҳукуматимиз кўрсатмаларини амалга ошира бориб, жойларда чайқовчилик ҳоллаларини тугатиш чораларини кўрмоқдалар. Уларнинг актив иш олиб боришлари натижасида текинхўрлик, чайқовчилик билан кун кечириб келган шахслар фош қилиниб, жиноий жавобгарликка тортилмоқда.

Ўтган 1980 йилда ички ишлар органлари ходимлари жамоатчиликнинг ёрдамида ончагина чайқовчилик фактини аниқладилар. Чайқовчилардан 782 минг 216 сўмлик турли товарлар ва пул давлат фойдасига мусодара қилинди.

Кейинги вақтларда нанчил саноат моллари билан чайқовчилик қилиш фактлари тез-тез содир бўлмоқда. Текинхўрлар мўмай пул топиш йўлида турли найрангларни ишга солмоқдалар. Яқинда Андижон область ички ишлар бошқармаси ходимлари ашаддий чайқовчи Сайдакбар Дадахўжаевнинг кирдикорларини фош қилдилар. Андижон темир йўл станциясида Андижон—Москва поездида проводник бўлиб ишловчи Сайдакбар Дадахўжаев Андижон шаҳридаги ва районлардаги алоқа бўлимлари ходимлари билан жиноий тил бириктириб, Москва ва бошқа шаҳарлардан турли кишилар номига Андижон шаҳрига, Андижон ва Избоскан районларига, корхоналар ва ташкилотларга кўп миқдорда посилка юборган. Чайқовчилар билан тил бириктирган алоқа ходимлари бу посилкаларни кимнинг номига келганидан қатъий назар Далахўжаевнинг ўзига берганлар ва ҳатто уйига ҳам олиб бориб берганлар.

БХСС бўлими ходимлари С. Дадахўжаев ўнта посилкани олган вақтда уни қўлга туширдилар. Посилкалар ичидан давлат нархида 33 минг 720 сўмлик 1988 дона рўмол чиқди. Унинг квартираси тинтиб кўрилганда, уйидан ҳам 1374 дона ана шундай рўмол, 21 минг 700 сўм нақд пул, олтин тангачалар топилди. Чайқовчининг учта енгил машинаси борлиги аниқланди.

Ашаддий чайқовчи Сайдакбар Дадахўжаев ва унга ёрдам бериб келган Андижон шаҳридаги почтамт бошлиғининг ўринбосари Саматов, шу почтамт алмашув пунктининг бошлиғи Шоабдураимов, район алоқа бўлимларининг бошлиғари Абдуолимов, Мамажонов, Назаров ва бошқалар қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Наманган область ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси Робахон Ғиёсова билан Наманган шаҳар пойабзал фабрикаси мастери Ҳамидулла Аббосхоновнинг ўзаро келишиб, жиноий иш билан шуғулланаётганлигини фош қилди. Бу шахслар Наманган шаҳрида тилла буюмлар сотиш билан шуғулланиб келганлар. Ғиёсова 920 сўмлик эрмакни сотаётган вақтда қўлга тушди. Бу иш юзасидан жами 30 минг сўмлик тилла буюмлар мусодара қилинди, жиноятчилар жиноий жавобгарликка тортилди. Маълум бўлишича, «Узплодоовощпром» бирлашмасига қарашли оу автомашина ҳайдовчилари Ғ. Насриддинов, Р. Саматов, А. Тошматов чайқовчилар билан тил бириктириб, 2 минг сўм эвазига паркентлик Мирбобоев, Ҳамдамов, Мадалиев ва Беркинбоевларнинг 11380 килограмм помидорини сотиб келганлар. Семипалатинскга келиш учун сохта ҳужжатдан фойдаланганлар. Жиноятчилар қилмишларига яраша жазога тортилди.

Ўтган йили сабзавот ва мевани узоқ шаҳарларга олиб кетишга ёлланган машиналарнинг анчагина қисми республикамиздаги турли корхоналар ва ташкилотларга қарашли давлат машиналари эканлиги аниқланди. Автохўжаликлар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб олишлари керак.

Текинхўрлик, чайқовчилик ҳолларининг олдини олиш учун биз ҳамма чораларни кўрмоқдамиз. Бироқ айрим савдо корхоналарида харидоргир молларни савдога чиқармай яшириб қўйиш ва шу йўл билан сунъий равишда товарлар тақчиллигини вужудга келтириш фактлари содир бўлмоқда.

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ходимлари шу йилнинг 20 апрелидан 8 майга қадар Тошкент шаҳрида район озиқ-овқат савдоси идораларига ва «Гастроном» бирлашмасига қарашли савдо корхонасида текшириш ўтказдилар. Кўпгина магазинларда харидорларни алдаш, уларнинг ҳақидан уриб қолиш фактлари аниқланди. Шу билан бирга бу савдо корхоналарида 73 минг сўмлик озиқ-овқат товарлари савдога чиқарилмай яшириб қўйилганлиги маълум бўлди.

Шу йил февраль ойида Маргилон шаҳар саноат товарлари савдосига қарашли 16-магазин текшириб кўрилганда 3,5 минг сўмлик болалар трикотаж буюмлари ва пойабзал савдога чиқарилмай яшириб қўйилгани аниқланди. Афсуски, бундай фактлар тез-тез содир бўлмоқда. Маълумки, харидоргир товарларни савдога чиқармай яшириб қўйиш чайқовчилар тегирмонига сув қуйиш демакдир. Шунинг учун ҳам бундай фактларга бутунлай барҳам бериш пайти келди.

Чайқовчилик социалистик турмуш тарзига бутунлай ёт бўлган иллатдир, жамият манфаатларига, халқ манфаатларига зид бўлган жиноий ишдир. Бинобарин, чайқовчилик таг-томири билан тугатилиши ва жиноятчилар қонун олдида жавоб беришлари керак. Бунинг учун ички ишлар органлари янада активлик ва сезгирлик билан иш олиб боришлари, жиноятчиликкa, хусусан чайқовчиликка қарши курашга кенг жамоатчиликни жалб этишлари керак.

Н. ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР ички ишлар министрининг ўринбосари.

ТУРИЗМ МАМЛАКАТИ, ДЎСТЛАР МАМЛАКАТИ

Пойтахтимиздаги «Санъат саройида «ГДР — туризм мамлакати» деб аталган туристик фотокўргазма очилди. Бу кўргазмани ГДРнинг саёҳатлар бюроси — «Рейзебюро», Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми бўйича бошқарма ва «Интурист» Бутуниттифоқ акционерлик жамиятининг Тошкент бўлими уюштирди.

Кўргазмада Германия Демократик Республикасида туризмнинг ривожланиши, Берлин, Потсдам, Дрезден, Эрфрут, Лейпциг шаҳарлари ва мамлакатнинг диққатга сазовор жойлари ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратлар кенг ўрин олган. Ҳар йили ГДРга кўплаб туристлар келмоқда. Совет туристлари учун элликдан ортиқ маршрутда сафарлар ташкил этилмоқда.

Кўргазма очилишига бағишлаб ўтказилган матбуот конференциясида ГДРнинг СССРдаги саёҳатлар бюроси ваколатхонасининг директори Иозеф Мискиевич чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти Президиумининг раиси И. Тўхтахўжаевага «Герман — Совет дўстлиги жамиятининг эсдалик байроғини, ГДР билан дўстлик совет жамиятининг Ўзбекистон бўлими бир группа активистларига «Герман — Совет дўстлиги жамияти 30 йиллиги» юбилей медалларини топширди.

А. РЎЗИЕВ.

Редактор ўринбосари А. НАБИХЎЖАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

84-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—82 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникавий жиҳатдан мукаммал жиҳозланган синф хоналарида, лабораториялар ва устахоналарда тажрибали инженер-педагоглар ва ўқитувчилар раҳбарлигида 8—10 синф ҳажмида маълумотлар қуйидаги касбларни эгаллай оладилар: темир йўлда ва метрода сигнализация, марказлаштириш ва блокировкалаш воситаларининг электр монтажчилари, ёритиш ва ёритиш тармоқлари бўйича электромонтажчи, кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи, слесарь-сантехник, газ пайвандчи, гишт терувчи-монтажчи; бўёқчи-сувоқчи, дурадгор, ёғочсоз, қурилиш машиналари ва технология ускуналари ремонти бўйича слесарлар.

Бўёқчи-сувоқчилар, слесарь-сантехниклар, гишт терувчи-монтажчилар, ёритиш бўйича электромонтажчилар ўқув группалари учун бепул кечки шофёрлик курслари ташкил этилган.

Ташкилотчилик қобиляятларини кўрсата олган ёшлар диплом ёқлаганларидан кейин «Средазтрансстрой» трести тармоғидан техникумларга ва олий ўқув юртларига ўқишга юборириладилар. Дипломларини аъло баҳолар билан ёқлаган битирувчилар олий ўқув юртларига конкурсдан ташқари ўқишга юборириладилар.

Билим юртида спортнинг исталган тури билан шуғулланиш, шунингдек техника ва бадиий ижодиёт билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратиб қўйилган.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адресимиз: 700074, Тошкент шаҳри, Слоним кўчаси, 84-уй (8, 15, 23, 26, 61-автобусларнинг «Иззат» бекати, 15-маршрут таксида ҳам бориш мумкин).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Қизил Байроқли, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент шаҳар

31-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—82 ўқув йилига

15—17 ёшлардаги ва Совет Армияси сафидан запасга бўшатилган йигитларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти темир йўл транспортида ишлаш учун қуйидаги ихтисослар бўйича кадрлар тайёрлайди:

10-синф ҳажмида маълумотлилар группаси: тепловоз машинисти. Ўқиш муддати 2 йил (фақат Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар қабул қилинади). Стипендия — ойига 72 сўм; тепловознинг ҳаракатдаги состави ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати — бир йил. Стипендия — 30 сўм.

8 синф ҳажмида маълумотлилар группаси: тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти ёрдамчиси, тепловознинг ҳаракатдаги состави ремонти бўйича слесарь, электровознинг электр қисмлари ремонти бўйича слесарь-электрик, токарь-револьверчи, электр-газ пайвандчи. Ўқиш муддати — 3 йил.

3 йил ўқиганлар ўрта маълумот ҳамда ихтисос олганликлари ҳақида дипломга эга бўладилар. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига имтиёзли шартларда кириш ҳуқуқи берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

Қабул қилинганлар 3 марта бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ходимларининг барча имтиёзларидан, шу жумладан Совет Иттифоқининг ҳар қандай пунктига бир марта бепул билет билан бориш имтиёзларидан фойдаланадилар.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак: паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, турар жойи ва ота-онасининг яш жойидан справкалар; характеристика, ариза, таржимаи ҳоли, 8 та фотосурат (3x4 см.), мактабдан медицина картаси (ёки эмлаш ҳақида справка).

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 74 алоқа бўлими. Ҳамза районидаги Слоним кўчаси, (15, 23, 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси» бекати). Телефон 96-34-90.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Машина ва трактор паркини ремонт қилиш ва фойдаланиш Бутуниттифоқ Давлат технология илмий-тадқиқот институтининг ЎРТА ОСИЕ ФИЛИАЛИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ремонт базаларини ташкил этиш ва перспектив планлаштириш лабораторияси мудири.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент область, Калинин район, Ўртаовул посёлкаси.

●

ХОВОС ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИ

1981—82 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕМИР ЙЎЛ ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ, ТЕПЛОВОЗ ХЎЖАЛИГИ.

Аризалар — қабул қилинмоқда.

Техникумга қабул қилиш учун директор номига ёзилган ариза: аттестат ёки 8 синф маълумотига эга бўлганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли), таржимаи ҳоли, медицина справкаси (286-форма), 4 дона (3x4 см.) ҳажмдаги фотосурат кўшиб топширилади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ — 1 АВГУСТДАН БОШЛАНАДИ.

Техникумга кирувчилар ётоқхона ва стипендия (кириш имтиҳонларини аъло баҳога топширганлар оширилган стипендия оладилар) билан таъминланадилар.

Ўқувчилар йилда бир марта СССРнинг барча ерларига бориш учун бепул имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бизнинг адрес: 708200, Сирдарё область, Ховос станцияси 1-Ҳамза массиви.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—82 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти 8 синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги ўзбек ва бошқа маҳаллий миллат қизларидан рус тили ўқитиш ҳуқуқига эга бўлган бошланғич синф ўқитувчилари, IV—VIII синфлар учун меҳнат ва чизмачилик бўйича ўқитувчилар тайёрлайди.

Қабул қилинганлар давлат ҳисобидан тенги овқат ва умумий қоидага мувофиқ стипендия билан, узоқ областдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Рус тили ўқитиш ҳуқуқига эга бўлган бошланғич синф ўқитувчиси мутахассислиги бўйича музикадан эшитиш қобилияти текширилгач, рус тили (суҳбат), она тили (диктант), математика (оғзаки), IV—VIII синф меҳнат ва чизмачилик ўқитувчиси мутахассислиги бўйича: она тили (диктант), математика (оғзаки)дан имтиҳон топширадилар.

Билим юртига киришни ҳоҳлаганлар директор номига ариза ёзиб қуйидаги ҳужжатларни кўшиб топширадилар: маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома (асл нусхаси), соғлиги ҳақидаги справка (286-форма), 4 та фотосурат (3x4 см.).

АРИЗАЛАР 31 ИЮЛГА ҲА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор район, Халқлар дўстлиги проспекти, 27-уй. Телефон 76-02-56.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ним исмли қиз. Бадиий фильм. 11.30 — Қалбга яқин қўшиқлар. 12.20 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.15 — Концерт. 16.40 — Фильм-концерт. 17.05 — Халқ оҳанглари. 17.30 — Москва ва москваликлар. 18.00 — Мерганлик бўйича СССР чемпионати. 18.30 — Орлёнок. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Рус романслари. 19.45 — Сўз — ёзувчиларга. 20.15 — «Верийак квартали оҳанглари». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — 1981 йил қўшиқлари. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.30 — Қўл тўпи бўйича халқаро турнир. СССР — Венгрия.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Қўғирчоқ фильм. 11.45 — Дилдан қўйла, ўйна қувнаб (такрорий). 12.45 — Тирик мурда. Бадиий фильм. 2-серия. 18.20 — Юлдузча. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ишчанлик руҳидаги даврада. 20.30 — Ахборот. 20.45 — Қўшиқ айтган етар мурода. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Кино оламида.

II.

18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Она тили. 19.40 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Пахтакорлар хизматида. 20.50 — Физика.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Халқ талантларининг концерти. 9.35 — О. Қосимов қўшиқларидан концерт. 11.15 — Партия ходими минбари. 11.25 — Янги музикали ёзувлар. 12.10 — Ўзбекистон индустриальний. 13.00 — Ем-хашак тайёрлаш сусайтирилмасин. 14.00 — Сабзавотчилар вахтада. 17.00 — Музика маданияти радиоуниверситети. 19.25 — Вокал-лирик сюита. 21.15 — Партиянинг жанговар ёрдамчиси. 21.25 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — Ҳайрлашув ойи. Радиопостановка.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекистан ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропаганда ва ташкилий ишлар — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-33, 32-55-18; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ККАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Алдиков — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02099. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 153. 4